# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

14 (908) сон
26 март — 1 апрель 2009 йил
Web-site: oilavajamiyat.uz


**АДИБА АЯНИНГ НИҲОЛЛАРИ**



3

6



**ДЎСТИ ЙЎҚ ОДАМ БАХТСИЗМИ?**

**ЎН САККИЗГА КИРМАГАН КИМ БОР?**



7

15



**МИККИ МАУС 80 ЁШДА**

# ҲАМАЛ КЕЛДИ — АМАЛ КЕЛДИ



**ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:**


Водийда Зулфияхоним қизлари форуми 2

Ҳайдовчи! Қўлингиз рулда, кўзингиз йўлдами? 4

Аёллар қачон бир-бирини эшитади? 5

Газетани болалардан яшириб ўқимайлик! 6

Теледастурлар 8-10

Одамларнинг ҳисобига «кун кўрувчи» чувалчанглар 13

Бошингиз ёстиққа текканидан кейин югуриш бефойда 14

Аччиқ шоколад фойдали экан 15

Кўнглингизга қул бўлманг 16





Муҳтарам ҳамкасблар! Журналистика соҳасида

«ОЛТИН ҚАЛАМ»

*VI миллий мукофоти учун халқаро танловига материаллар қабул қилиш шу йилнинг 10 апрелигача давом этади! Ушбу нуфузли танловда қатнашинг, ғолиб бўлинг!*

# НАВРЎЗНИ СОҒИНГАН КЎНГИЛЛАР ШОД БЎЛДИ

ШУКУҲ

**Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!**

*Болакайлар қувончини таърифлашга тил ожизлик қилади.*

*Набираси қирлардан олиб келган бойчечакни кўзларига суртаётган бобонинг ҳам, момонинг ҳам дуоларида ажиб бир ҳикмат зоҳир: **Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Илоё, Йилбоши юртимизга хайр-барака олиб келсин!***

*Бир ҳафтаки, Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида ажойиб шодмонлик, ўзгача кайфият ҳукм сураётир. Яъни, қишлоқ-овуллар ва шаҳар-туманларда Наврўзи оламга бағишланган тантаналар, халқ сайллари давом этаяпти. Ана шундай байрам ражада интиқ кутишган. Энг муҳими, унинг юзлаб ўзига хос халқона расм-русумлари, анъаналари борки, уларсиз Наврўзни тасаввур қилиб бўлмайди. Масалан, бизнинг Китоб туманининг ўзида икки юз мингдан кўпроқ аҳоли яшаётган бўлса, ҳар бир ҳудуднинг бу айёмга бағишлаб тайёрлайдиган таомларидан тортиб, миллий ўйинларигача фарқланади. Деярли ҳар йили байрам дастуримиз ўзгариб, унутилган, лекин халқ орасида яшаб келаётган миллий анъаналаримиз қайтадан тикланаяпти. Буларнинг барчаси бевосита истиқлолимиз шарофати туфайли халқимизнинг маънавий хазинасини бойитмоқда.*

*Уч тарафи тоғлар ва чўққилар билан ўралган Қоратепа бир зумда жуда катта сайилгоҳга айланади. Баҳорнинг ҳавоси, қолаверса, тоғли жойлиги боис осмонни булутлар қоплаб, ёмғир шаррос қуя бошлайди. Лекин одамлар ўзлари соғинган ушбу байрамдагина кўрмоққа муяссар бўладиган ғаройиб томошаларни кўзлари қиймайди. Махсус безатилган саҳнада туман маданият ва спорт бўлимига қарашли бадиий дасталар томонидан тайёрланган мусиқий дастур намойиш этилади. Катта майдонда эса кураш қизийди. Даврабоши эндигина белига белбоғ таққан ёш полвонларга кексалардан дуо олиб беради. Қирнинг у тарафида эса отлар дупури садо беради, демак, кўпкари-улоқ бошланибди. Баковул ҳайқиради: "Файзулла полвон ҳалол ташлади, зотини беринг!"*



*шодиёналаридан бири Зарафшон ва қорли Ҳисор тоғлари оралиғида жойлашган ўзига хос фусункор манзил— Китоб туманидаги Қайнарбулоқ қишлоғининг Қоратепа адирликларида бўлиб ўтди.*

*— Оммавий халқ сайли бўлган Наврўзнинг айнан Қоратепада ўтказилиши бежиз эмас, — **дейди туман ҳокими Луқмон ҒАФФОРОВ** баланд қирларга ишора қилиб.—Биласиз, бу байрамни ота-боболаримиз қай да-*

*— Ҳар йилгидек бу галги Наврўзда ҳам анъанага айланиб қолган тадбирларимиз ўтказилди,—**дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Розия АШУРОВА.**—Кам таъминланган оилаларга , ногирон ва кексаларга ҳокимлик томонидан ажратилган моддий ёрдамлар берилди. Айниқса, ҳудудимизда янги қуриб, ишга туширилган биноларнинг бу қутлуғ кун арафасида очилиши ҳаммани қувонтирди. Жумладан, ёш тадбиркор Олимжон Эшматов "Улуғбек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "Шодлик" тўйхонасини очиб, шу куни келин-куёвларнинг никоҳ тўйини ўтказиб берди. "Пахтакор" қишлоқ ҳамда "Санам" маҳалла фуқаролар йиғинлари бу йилги байрамни янги биноларда нишонлашгани қувончлидир.*

*Хуллас, табиатнинг кутилмаган ҳавосига кўникиб қолган туман аҳли аҳён-аҳёнда тўхтаб-тўхтаб ёққан ёмғир остида байрам тантаналарини берилиб томоша қилади. Сўнг...*

* * *

***Куну тун тенглашган — 21 МАРТнинг эрта тонгиданоқ туман маркази Китоб шаҳри марказида яна НАВРЎЗИ ОЛАМга бағишланган халқ сайли бошланиб кетди. Шу куни туман маданият ва истироҳат боғи ҳамда Санъат саройида бошланган байрам тадбирлари кечгача давом этди.***

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**

## ШУ СОНГА ХАБАРЛАР



## ЗУЛФИЯХОНЛАР ФОРУМИ

Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилганига бу йил 10 йил тўлди. Шу муносабат билан Бобур номидаги Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театрида «Водий Зулфияхонлари» мавзуида Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидан келган совриндорлар ва номзодлар иштирокида Ёшлар форуми бўлиб ўтди. Қатнашчилар дастлаб, ўзларига яратилган шарт-шароит билан танишиш мақсадида вилоятда қад ростлаган Ёшлар марказини бориб кўрдилар.

Спорт комплекси, бадиий гимнастика ҳамда «Андижон самоси – эртаклар олами» уларга бир дунё қувонч бағишлади.

Қатнашчиларнинг бир-бирлари билан бўлган мулоқотлари уларни янада яқинлаштирди. Наманганлик Шоҳиста Абдуллаева ўзи сингари ёшларга яратилган бундай имкониятга ҳавас қилганини яширолмади. Фарғоналик Дилноза Каттахонова бу йилги мукофот совриндори. У тенгдошларига ўзининг рус ва инглиз тилида ёзган шеърларидан намуналар ўқиб берди.

Фарғоналик Роҳатхон Имомалиева, наманганлик Дурдона Исмоновалар ўз истеъдод қирраларини жозибадор рақсларида намойиш этдилар. Андижонлик Рўзихон Нурматованинг «Тановар»и, Ёрқиной Мадумарованинг дутордаги наволари йиғилганлар кўнглини хушнуд қилди.

«Андижон» гуруҳи ҳамда «Мерос» дастасининг чиқишлари эса анжуманга ўзгача кўтаринкилик бағишлади.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова водийлик Зулфияхоним қизларини мамлакатимизда нишонланаётган муборак Наврўзи олам билан самимий табриклаб, совриндор бўлганларни яна бир бор ушбу нуфузли мукофот билан қутлади.

**Зумрад АБДУЛЛАЕВА,**
**Андижон вилояти.**

## СЕМИНАР ИШ БОШЛАДИ

Пойтахтимизнинг «Dedeman» меҳмонхонасида таълим соҳасида Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон Республикаларида болани эрта ўқитиш ва ривожлантириш стандартларини татбиқ этиш бўйича ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш юзасидан халқаро семинар иш бошлади. Семинарни АҚШнинг Колумбия университети эксперти, педагогика фанлари доктори Шэрон Линн Каган хоним олиб бормоқда.

Семинарнинг очилиш маросимида сўзга чиққан ЮНИСЕФ ваколатхонаси бошлиғининг ўринбосари Андро Шилакадзе: «Оила, мактаб ва боғча болаларнинг имкониятлари тўлиқ очилишига шароит яратиб берадиган маскан бўлиши лозим. Эрта ўқитиш ва ривожлантириш стандартлари бўйича минтақавий семинар айнан ана шу мавзуга бағишланган», — деб таъкидлади.

Ушбу семинарда тўрт давлат таълим муассасаларининг етакчи мутахассислари иштирок этишмоқда. ЭЎРС билан бир қаторда болалар ривожланишидаги тараққиётни баҳолашга ёрдам берадиган махсус, ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткичлар, шунингдек, ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар ҳамда болалар парвариши ва тарбияси билан машғул бўлган барча маълум стандартлар бўйича бола муваффақиятларини қўллаб-қувватлашга ва уларни мустаҳкамлашга қаратилган махсус машғулотлар ишлаб чиқилади.

Семинар 27 мартгача ўз ишини давом эттиради.

**Шаҳноза РОФИЕВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

## БЎКАДА ЙИҒИЛИШДИ

— Мамлакатимиз аҳолисининг олтмиш фоиздан кўпроқ қисми қишлоқларда яшаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аграр соҳа бизнинг ҳудудда етакчилик қилиши табиий. Шундай экан, қишлоқ аҳлининг, шу жумладан, деярли барча юртдошларимизнинг дастурхони тўкин, ризқ-насибаси бутун бўлиши далаларимиздаги экинзорларнинг ҳолатига боғлиқ — **деб хабар қилади газетамизнинг Тошкент вилоятидаги мухбири Турдикул НОРМАТОВ.** — Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалик экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш тўғрисида"ги қарори асосида вилоят адлия бошқармаси ҳамда Бўка тумани ФҲДЁ бўлими(мудираси Н. Расулова)ҳамкорлигида ўтказилган йиғилишда айнан ана шу муҳим ҳужжатда белгилаб берилган долзарб вазифалар хусусида сўз юритилди. Айниқса, баҳор фаслида экинлар етилиб, ҳосил тўпланадиган паллада энг аввало фермер хўжаликлари раҳбарлари, шу жумладан, қишлоқлар аҳолиси эл-улус ризқининг нобуд бўлмаслигига алоҳида эътибор бериши таъкидланди. Йиғилишда вилоят ва туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаро йиғинлари вакиллари, фермерлар сўзга чиқиб, бу бир ёки иккита ташкилотнинггина эмас, аксинча, барчанинг зиммасига жиддий масъулият юклаши хусусида гапирдилар.

ДИҚҚАТ: ЯНГИ ИЖОДИЙ БЕЛЛАШУВ! ДИҚҚАТ: ЯНГИ ИЖОДИЙ БЕЛЛАШУВ!

## "НАВРЎЗДАН НАВРЎЗГАЧА"

***Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар! Эшитмадим деманглар, эшитганлар келинглар!***

***Йилбоши—Наврўзи олам ташриф буюраётган лаҳзаларда Она табиат, бутун борлиқ уйғонади, деймиз.Аслида-чи? Бундай файзиёб кунларда энг аввало, одамзот уйғонади, унинг Кўнгил отлиғ сирли дунёси кўз очади. Руҳида, юрагида покланиш, тозариш бошланади.***

***Муҳтарам юртдошлар! Авлод-аждодларимиз неча минг йиллардан бери ўзларининг энг гўзал ва эъзозли сайлларидан бири сифатида қадрлаб, нишонлаб келган Наврўз бизнинг жаннатмонанд ўлкамизда айни истиқлол йилларидагина оммавий байрам сифатида ўзининг кўҳна ва навқирон шакли-шамойили, миллий қиёфаси ҳамда шарқона мазмун-моҳиятига эга бўлди. Шу боис "Оила ва жамият" газетаси таҳририяти ҳам ушбу айём арафасида ижодкорларни "НАВРЎЗДАН НАВРЎЗГАЧА" деб номланган***

### *ИЖОДИЙ БЕЛЛАШУВ майдонига чорлайди!*

Ушбу майдонга қалами(қамчиси эмас!) чархланганлар ўзларининг **"ҚАНОТЛИ ИЛҲОМ ОТ"**лари билан тушиб, мардона курашадилар. "ПУБЛИЦИСТИКА", "ШЕЪРИЯТ", "НАСР", "ҲАЖВИЯ" ва ниҳоят, "СУРАТ"(фото ва карикатура) деб номланган майдонларимиз сизга мунтазир.

Беллашув шартлари қуйидагича: компьютерда А-4 формат, бир ярим интервал оралиғи, кегл14,"TimesUZ» гарнитураси, ҳажми 5 бетгача (публицистик ва насрий асарлар учун) бўлган материаллар қабул қилинади. Қўшимча тарзда ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот, бир дона10Х15 ҳажмли фотосурат илова қилинг. Материалларни газетамизнинг электрон манзили ҳамда почта орқали юборишингиз мумкин. Сезиб турибмиз, табиийки, совринларга ҳам қизиқаяпсиз.

**Ғолибларга:**
- **ТЕЛЕВИЗОР**
- **DVD ПЛЕЙЕРЛАР**
- **ҚЎЛ ТЕЛЕФОНЛАРИ**
- **ФОТОАППАРАТЛАР**
- **РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ мукофотлар берилади.**

*Шунингдек, «Оила ва жамият» саҳифаларида эълон қилинган энг яхши публицистик, насрий ва шеърий, фото ҳамда карикатура асарлари таҳририят ҳисобидан 2010 йилда китоб ҳолида чоп этилади.*

*Барча жанрлардаги материалларни қабул қилиш муддати 2009 йилнинг Наврўзидан 2010 йилнинг Наврўзигача.*

**Маълумотлар учун телефонлар: 233-28-20, 233-04-35.**

Яхшиликнинг мукофоти яхшиликдир

# АДИБА АЯНИНГ НИҲОЛЛАРИ

Бу ҳовлига ҳеч қачон қулф осилмаганини қўни-қўшнилари кўп айтишади. Тонг саҳарми, ярим тунми, барибир, пастаккина дарвоза қўнғироғи чалинди, дегунча, ичкаридан овоз келади. — Эшигимиз очиқ, болажоним, кираверинг!

Бу уйда олтмиш йилки бирбирига эгизаклардек суяниб қолган икки хизрсифат инсонлар умргузаронлик қилишади. Адиба аямиз 82, Тўхтамурод отамиз эса 84-баҳорларини қаршилаяптилар. Бир ўғил, бир қизлари, невара-чеваралари атрофларида парвона. Албатта, улар ўз уйларида, чол-кампир эса бир замонлар "дала-ҳовли" сифатида ажратилган жой—Буюк Ипак йўли шоҳ кўчаси яқини, тўғрироғи, Мирзо Улуғбек туманига қарашли "Яланғоч — 22" маҳалласида яшайдилар.



Муболаға эмас, тўрт фаслда ҳам бу мўъжазгина ҳовли ямяшил тусда товланиб туради. Айниқса, баҳор келиши биланоқ Адиба аянинг тинчи "бузилади".

— Анча йиллар бўлди, ҳосилга кирган иккита гилос, бир тупдан ўрик ва олмамиз бор. Менинг ўзим гулларни яхши кўрганим учунми, бир парча жойгаям кунлар сал исиб қолса бўлди, мойчечак, гултожихўроз, гунафша, лола, атиргул экишни бошлайман. Ҳув, кўприкдан тушиб келиш йўлагига эса бинафша экаман. Ҳа, эсимдан чиқибди, японларнинг сакурасиям бор. Билмадим, асл касбим геолог бўлгани учунми, тоғларда ўсадиган ғаройиб ўсимликларни ўз уйимда ўстиргим келаверади.

Гарчи Тўхтамурод ота ҳам геолог бўлса-да, лекин ўзига хос "хоббиси" бор экан. "Азалдан қушлар, жониворларнинг ашаддий ишқибозиман. Товус, олтин қирғовул, тўтиларнинг бир неча турларини, ҳатто венгер товуқларигача кўпайтириб боқардим. Қаричилик-да энди, қишда сал тобим қочиб қолгач, неварамга бериб юбордим"— дейди отахон хўрсиниб.

Деярли ҳар бир байрам, у Мустақиллик кунимi, икки ҳайит ё Янги йилми, хуллас, барча қувончли кунлар арафасида Адиба аяни уйдан топиш амри маҳол. Маҳалла оқсоқолидан тортиб, ҳомийлик кўрсатмоқчи бўлганлару фаоллар ҳам у киши билан бафуржа маслаҳатлашиб олишади.

— Уч мингдан кўпроқ аҳоли, 8 миллат ва элатлар истиқомат қилаётган гўшамизни "митта ватан"га қиёслайдиган бўлсак, ўзимизга яраша қувонч-ташвишларимиз бор,**—дейди маҳалла оқсоқоли Қудрат ака Эгамбердиев.** — Лекин, бир нарсадан кўнглимиз ҳамиша тўқ бўлади, яъни Адиба опамиз бизга кам таъминланган оилалар, ёлғизлар, ногиронлар, бир сўз билан айтганда, қоғоздамас, амалда ҳақиқий ёрдамга муҳтож бўлганлар учун қай бир йўсинда кўмак беришни тушунтирадилар. Куни кеча маҳалламизда Наврўз байрамига бағишланиб ўтказилган тадбирда ҳам саксондан ошган кекса аямизнинг фаоллик кўрсатганини кўриб, "қачон Адиба бувидан ибрат олар эканмиз-а?" дея ёшларимизга гапирдик...

Дарҳақиқат, шу маҳалла фаолларидан бири Тамилла Саидова шундай дейди:"Суюнчи"-даги Анзират бувини бир эслайлик. Ҳамқишлоқлари бекорга уни "қишлоқнинг виждони" дейишмайди. Бундай қаҳрамонлар менинг назаримда тўқилмаган, асл ҳаётдан олинган. Бизнинг Адиба аямизни ҳам «маҳалламиз виждони» десам, янглишмайман. Бирон марта ўзини шахсий иши масаласида югуриб юрганини кўрмаганман. Бировга кўмак бериш керакми, касалхонага ётқизиш масаласими, хуллас, беш-бегона одамларнинг ташвиши деб юради. Очиғини айтсам, яхши маънода бизга тинчлик бермайди...

Худди шундай эътирофни 68 ёшли Людмила Ковальчук ҳам билдирди: «Мен маҳаллада, очиғи, ўзбеклар орасида яшаб, дунёни англадим, десам ишонаверинг. Айниқса, Адиба аяга ўхшаганларнинг ҳаёт йўллари ва қилаётган хайрли ишлари кўпчиликка ибрат бўлгулик...»

**— Кечагина Президентимизнинг Наврўз байрами тантаналарида билдирган самимий дил сўзларини эшитиб, бошим осмонга етди. Телевизорда кўрсатяпти, радиода гапиришяпти, юртимизнинг ҳамма жойида тантана, шодиёна бўлаяпти. Ахир ўйланг, қаерда тинчлик, осойишталик ҳукмрон бўлса, тўкинлик, фаровонлик барқарор бўлсагина байрамлар яшнайди-да! Шундай саодатли кунларнинг қадрига етинглар,**—дейди ая фахр билан.

Дарвоқе, пойтахтимизнинг бир бурчагида яшаб, энг аввало, ўз оиласи, қолаверса, маҳалладошлари кўнглини обод қилмоқни БУРЧ деб билган Адиба ая Мағзумова йилнинг ўн икки ойида ҳам "ниҳол" экади. Унинг номини халқимиз неча минг йиллардан бери САВОБ деб атайди. Илло, ана шу ўлмас дарахт мевасидан баҳраманд бўлмоқ ҳар биримизга насиб этсин!

**Норқобил ЖАЛИЛ**

---

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

# ИМКОНИЯТ МАЙДОНИ



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», «Давлат дастури тўғрисида»ги қарорида белгиланган асосий устивор вазифаларнинг амалдаги ижросини таъминлаш ҳамда олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, Қуролли Кучлар сафидан бўшатилган ва вақтинча ишламаётган меҳнатга лаёқатли фуқароларни касб, малакалари бўйича ишга жалб этиш мақсадида пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида Меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.**

Унда турли ёшдаги фуқаролар қатнашдилар. Учтепа туманига қарашли «Ал Хоразмий» маҳалласидан келган Малика Ғаффорова Тошкент тиббиёт академиясининг олий ҳамширалик факультетини тамомлаб, бола тарбияси билан машғул экан.



— Қайнонам «келин, сиз энди ишга чиқинг, уйда ўтираверсангиз, ўрганганларингиз ҳам эсингиздан чиқиб кетади. Болаларингизга эса ўзим қараб тураман», деб шу ёққа юборганди. Омадим келиб, мана Миробод туманидаги марказий кўп тармоқли шифохонада ишлаш учун йўлланма олдим. Эрта-индин иш бошлайман.

Шайхонтоҳур туманидаги «Комолон» маҳалласи маслаҳатчиси Маъсуда Маҳкамовани бир гуруҳ қатнашчилар даврасида учратдик.

— Бу ярмаркага маҳалламизнинг 59 нафар вақтинча ишламаётган эркагу аёллари билан келдик. Танлов асосида кимдир тикувчилик, яна кимдир ҳайдовчилик, слесарлик соҳаси бўйича йўлланмалар олди.

Икки фарзанди ва жиянини ишга жойлаштириш ниятида келган Озода Каримова ҳам ўғил-қизларининг ишлаш имкониятига эга бўлганидан хурсанд бўлганини изҳор этди.

Одамлар гавжум жойдан ўтар эканмиз, бир йигитнинг «эҳ, маълумотим йўқлиги чакки бўлди-да. Вақтида бирор ўқув юртига кириб, касбли бўлганимда ҳозир яхшироқ соҳага ишга жойлашган бўлармидим?», дея афсусланаётганини ҳам эшитдик.

Халқимизда «Ҳунари бор одам хор бўлмас» деган ибора бежиз айтилмаган. Бугун ана шу ибратли ҳикматга амал қилиб, ўз ҳаёт йўлини тўғри танлаган ёшлар учун 25-26 март кунлари Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан уюштирилган Меҳнат ярмаркаси уларга яна бир катта имконият майдонини очиб берди, десак, муболаға бўлмайди.

**Нигора РАҲМОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

*СУРАТЛАРДА: Меҳнат ярмаркаси фаолиятидан айрим лавҳалар.*

---

# БИЗ ТОМОНЛАРДА...

## АСАКАДА САХОВАТ АКЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ

Аёлларни улуғлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий одати. Айниқса, табаррук момоларни, пирубадавлат онахонларни байрам муносабати билан эъзозлаш миллий қадриятларимизнинг энг улуғидир. Андижон вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Табаррук онахонларни эъзозлайлик» саховат акциясининг ўтказилиши ана шу мақсадларга қаратилди.

Мазкур акция вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарлари ҳокимликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. Акция давомида Асака туманидаги 100 ёшли онахонларнинг 210 нафари ҳолидан хабар олиниб, 1 миллион 50 минг сўмлик меҳр-мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Андижон туманида истиқомат қилаётган 17 нафар табаррук онахонлар хонадонларига бориб, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди ва байрам совғалари улашилди. Туманда саховат акцияси учун 400 минг сўм миқдорида маблағ сарфланди.

**Гавҳарой ҲАСАНОВА,**
**Андижон вилоят хотин-қизлар қўмитасининг матбуот котиби.**

## БАХМАЛНИНГ КАСАНАЧИ ҚИЗЛАРИ

Наврўз байрами арафасида Маданият маҳалласининг аёллари ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Тадбирда қўли гул хотин-қизларнинг тиккан нақшинкор кашталарию, қуббалари, тўнлари иштирок этганларни лол қолдирди.

— Маҳалламизда касаначиликни ривожлантириш жуда яхши йўлга қўйилган,— дейди маҳалла раиси Эшбой Абдусолиев. — Тадбиркор опахону онахонларимиз ўз ҳунарларини ёшларга иштиёқ билан ўргатишмоқда. Мақсадимиз ота-боболаримиздан мерос бўлган миллий каштачилигимизни унутиб юбормаслик, аждодларимиздан қолган миллий қадриятларимизни эъзозлашдир.

Тадбирда иштирок этган ғолиблар рағбатлантирилди: бир йиллик мол-мулк солиғи, суғурта тўловларидан озод қилиниб, эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Улбозор ХЎЖАҚУЛОВА,**
**маҳалла маслаҳатчиси.**

*Жиззах вилояти*

## ЯККАБОҒНИНГ ТАДБИРКОР МУАЛЛИМЛАРИ

Яккабоғ тумани Дархон қишлоғидаги 4-умумтаълим мактабида 700 нафар ўқувчига таълим-тарбия бераётган 90 нафар ўқитувчи дарсдан бўш вақтларида деҳқончилик билан ҳам шуғулланишаяпти.

Илгари мактабга қарашли 3 гектар ер майдонида деҳқончилик қилинган эди. Бироқ, масъул киши бириктирилмагани боис, қилинган меҳнат самарасиз бўлган. Кейинги йилларда мактаб маъмурияти келишилган ҳолда ерни жамоада ишлайдиганлар оиласига ижарага беришди. Ер эгасини топди. Натижа кутилгандан зиёда бўлди. Боғда 50 турдаги мевали, манзарали дарахтлар, айниқса, тераказордан тушаётган даромад эвазига мактаб дарвозаси таъмирланди, ичимлик суви учун ҳовуз қурилди. Эндиликда стол-стуллар ясаш цехи ишга туширилгани ҳам даромад манбаи бўлаяпти.

**Шавкат СУЛТОН**

*Қашқадарё вилояти*

НИГОҲ

# ҚЎЛИНГИЗ РУЛДА, КЎЗИНГИЗ ЙЎЛДАМИ?



## ёки ҳайдовчи маданияти ҳақида

... 6 феврал соат 13дан 30 дақиқа ўтганида Олой бозори бекатидан «Қўйлиқ-1» — «Юнусобод-10» даҳаси бўйлаб қатновчи «93» — автобусга чиқдим. У Амир Темур хиёбонидан бурилаётганида бизга ёнма-ён келаётган микроавтобус билан тўқнашиб кетишига сал қолди. Бирбирларига йўл беришни истамаган ҳайдовчилар ойнадан бошларини чиқариб, уятсиз сўзлар билан сўкиниб кетишди. Микроавтобус биздан ўзиб кетишга уринди. Ундан ортда қолишни истамаган биз чиққан автобус ҳайдовчиси ҳам газини каттиқроқ босди. Муюлишлардан бурилаётиб силкинар, ичидаги йўловчилар қалқиб тушарди. Аввалига ҳеч ким индамади. Иккинчи хавфли силкинишда кимдир бошини ўриндиққа уриб олди, яна кимдир чайқалиб ёнидаги шеригини босиб тушай деди.

Охири «қувлашмачоқ» кучаявергач, хавотирга тушганлардан бири:

— Ҳой, ука, ўтин эмас, одам олиб кетаяпсан-ку, секинроқ ҳайдагин, — деб танбеҳ берганди, парво ҳам қилмади. Шунда мен ҳам чидаб туролмадим.

— Автобусда ҳомиладор аёллар, кексалар, ёш болалар ҳам бор. Ўзингизни қўлга олинг, бирор кори-ҳол рўй бермасин, — деганимдан сўнг у анча илгарилаб кетган рақибининг ортидан қувишни бас қилди. Аммо ундан ўч ололмаганидан пушаймон экани шундоқ кўриниб турарди...

Истаймизми, истамаймизми биз ҳар куни манзилимизга етиб олиш учун автобус, трамвай, троллейбус, маршрут таксиларга чиқамиз. Ҳаётимиз хавфсизлиги кўп жиҳатдан ҳайдовчиларга боғлиқ. Аммо юқоридаги каби ҳолатларни кўриб, баъзан йўлга чиқишга ҳам чўчиб қолади, киши. Бундан ташқари, улар ўзининг кайфиятини бузган ёки айтайлик, айрим қоидаларга зид иш тутган йўловчиларга чиройли танбеҳ бериш ўрнига, аёлу эркаклигига қарамасдан ҳақоратлашдан тоймайдилар. Эрта тонгда яхши сўз ўрнига сўкиш эшитган одамнинг куни билан кайфияти бузилиб юради. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Хўш, бу даражада қўпол, муомала маданиятини билмайдиганлар тоифаси қачон пайдо бўлди ўзи? Умуман ҳайдовчи маданияти қандай бўлиши керак? Улар олдига қандай талаблар қўйилади? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида **«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига қарашли «4-автобус саройи» касаба уюшмаси қўмитаси раиси Элдор Мадазимовга** мурожаат қилдик.

— Ҳайдовчилик касбини эгаллашни ният қилган йигитларнинг ёши 21 дан ошган бўлиши ва автобус ҳайдаш ҳуқуқини берувчи «Д» тоифага эга бўлиши керак. Бундан ташқари автокорхонамиз қошида ташкил этилган «Ўқув ишлаб чиқариш маркази»да қайта тайёрлаб, малака ошириш имконига эгамиз. Улар етти ой давомида малакали мутахассислар томонидан ўқитилади. Курсни тамомлагач, автопаркда 224 соат амалиёт ўташади. Шундан сўнг, бир йилгача фақат битта йўналиш бўйича ишлайди. Автокорхонамизда 20 йилдан бери шу касбда ишлаб келаётган ўз ишининг фидойилари бор. «80»—йўналиш сардори Собиржон Комилов ана шундай ўз ишига масъулият билан қаровчи, йўловчиларни ҳурмат қилувчи ҳайдовчилардан. У ҳар бир бекатда йўловчиларни микрофон орқали огоҳлантириб, қизиқ-қизиқ ҳазил-мутойибалар билан мижозларига қувноқ кайфият улашади. Автобус кабинасида доим чиройли, озода кийинган ҳолда ўтиради. Ҳайдовчиларни ишга олаётганимизда уларга йўловчилар бизнинг мижозимиз эканлигини, ҳар қандай шароитда ҳам ўта босиқ, оғир-вазминлик билан муомала қилиш зарурлигини уқтирамиз. Ҳар куни соат олтидан ишга жўнатишдан аввал ахлоқ меъёрларини бузмасликни эслатиб қўямиз. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ўз ишига масъулиятсизлик билан қарайдиган ҳайдовчилар, чиптачилар ҳам орамизда йўқ эмас.

Автобус, трамвай, троллейбусда ойлик йўл карточкалари билан юрадиган йўловчиларнинг кўпчилигини ўқувчи ва талаба ёшлар ташкил этади. Улар билан гаплашсангиз айрим маршрутларда, кўпинча автобус ҳайдовчилари беписанд муносабатда бўлаётганидан нолиб гапиришади.

**Нилуфар АДАШЕВА, талаба:** — Оиламизда акам билан мен талабамиз. Иккимиз ҳам шартнома асосида ўқиймиз. Онам ҳар маош олганида биз учун талабаларга мўлжалланган ойлик чипта сотиб олади. Натижада пулимиз анча тежалади. Лекин бизлар чиқадиган бекатда кўп автобуслар тўхтамай ўтиб кетади. Тўхташса ҳам ҳайдовчи ёки назоратчи талабаларни жеркиб беради. Баъзан илтимос қилишимизга тўғри келади. Қиш кунлари совуқда икки-учта автобусдан қолиб кетган кунларим алам қилиб, чипта сотиб олмасдан маршрут таксида юрсаммикан? — деб ҳам ўйладим. Аммо ўзим ўқийдиган университетга бориш учун иккита маршрутга чиқишим кераклигини ўйлаб, бу фикримдан қайтдим. Ахир, ҳайдовчиларнинг ойлик маошлари ва бошқа турли харажатлар наҳот ана шу сотиб олинаётган ойлик чипталар ҳисобидан қопланишини билишмаса?

Йўлдаги машмаша-ю, кўнгилсизликларга фақат ҳайдовчини айбдор қилиш ҳам инсофдан эмас. Аслида қарс икки қўлдан чиқади. Бу борада анойи бўлмаган йўловчилар истаганча топилади. Суҳбатдошимиз Элдор Мадазимов яна шундай дейди.

— Биз ҳайдовчилардан йўловчилар вақтини ҳурмат қилишларини, ҳар қандай ҳолатда ҳам улар билан инсоний муомала бўлишларини уқтирамиз. Мабодо бирортаси кўполлик қилиб бу қоидани бузса, керакли чоралар кўрамиз. Аммо баъзи бир йўловчилар давлат транспортларида юриш одобини билишмайди. Автобус жамоат жойи ҳисобланади. Унда турли тоифадаги одамлар, кексалар, ёш болалар, ногиронлар, ҳомиладор аёллар бўлади. Баъзилар автобус тиқилинч бўлишига қарамай манзилларига етгунларича баланд овоз билан қўл телефонида гаплашиб кетаверишади. Атрофдагиларни ҳурмат қилишмайди. Ундай йўловчиларга ҳайдовчи ёки чиптачи танбеҳ берса, «пулини олганингиздан кейин чидайсиз-да», дейишади. Ёки айримлар чиптачининг кўзини шамғалат қилиб, пул тўламай тушиб кетишга ҳаракат қилишади.

Мутахассиснинг гапида жон бор. Йўловчи маданияти ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. Бу эса алоҳида мавзу. Бироқ, биз ушбу мақолада кўпчилик билан муомалада бўладиган ҳайдовчи маданиятига бежиз урғу бермаяпмиз. Ҳайдовчи жамоатчиликка хизмат кўрсатишда ўзининг юриш-туриши, одоби, муомаласи билан ҳам аҳолига, одамларга таъсир этади. Демак, у қайсидир маънода ўргатувчи, тарбияловчи, назорат этувчи ҳамдир.

Бугун пойтахтимизга меҳмон бўлиб келган одам адашмай кўзлаган манзилига етиб олади. Чунки шаҳримиз кўча ва хиёбонлари бўйлаб энг замонавий русумдаги автобуслар йўловчиларга хизмат кўрсатаяпти. Тонгги соат олтидан то кеч ўн иккига қадар ҳайдовчилар эл хизматида. Уларнинг ягона мақсади — одамларни бехатар ўз манзилига элтиб қўймоқ. Шундай экан, сизу бизнинг узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилаётган доимо ҳушёр ва хушмуомала ҳайдовчилар шаънига чин кўнгилдан раҳматлар айтамиз. Ва улар орасидаги айрим «курмак»ларга эса инсоф тилаймиз. Халқона ибора билан айтганда, ёмоннинг оласи эмас, яхшининг сараси бўлмоқ насиб этсин. Кўпгина автобус саройларида «Ҳайдовчи! Унутма, уйингда фарзандларинг сени интиқ кутаяпти», деган ёзувга кўзимиз тушган. Кимлигимиздан қатъи назар, ҳаммамиз бу дунёда йўловчимиз. Ана шу ҳақиқатни унутмайлик ва уйдан, автобус, трамвай, троллейбус, енгил машинадан чиқаётганимизда ҳам кираётганимизда ҳам «Сафарингиз бехатар бўлсин!» дейишни унутмайлик.

**Нигора РАҲМОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

АКС—САДО

# ЭРКАКНИНГ ЙЎРИҒИ...

***“Болангиз қайси мактабда ўқийди?”—8-сон***

Ушбу мақолани ўқиб, узоқ йиллик хотираларим уйғонди. Эсимда: 1963 йили мактабни тугатиб, Фарғона Давлат педагогика институтининг “Ўзбек тили ва адабиёти” факультетига ҳужжат топшираётсам, рўйхатда фақат қизларнинг исми-шарифи ёзилган экан. Ҳайрон бўлиб “мен қизфакка эмас, ўзфакка кирмоқчиман” десам, ҳалиги йигит ”кўрсатма шундай бўлган ука, бахтингиз чопиб кириб кетсангиз, элликтасини ичида бир ўзингиз маза қилиб юрасиз”, деди ҳазиллашиб. Омадим бор экан, ўқишга кирдиму...биринчи куниёқ ҳақиқатан ҳам аудиторияни тўлдирган қизлар орасида битта ўзим эканлигимни кўриб, ҳайратга тушдим. На илож, илмга ташналигим, қолаверса, ота-онамнинг юзини ерга қаратмаслик учун яхши ўқишга интилдим. Ўшанда Орипов деган муаллим ҳамманинг ўртасида мени турғазиб: «Эҳ, укажоним-а, сира нолима, айб сенда эмас, қанчалаб билими зўр йигитлар қайтиб кетди, бу нотўғри кўрсатманинг касри қаттиқ бўлади», деган эди. Албатта, йиллар ўтгач бу хатоликлар аста-секин тузатилди, лекин, афсуски, турли қарашлар боис бу бизнинг авлодга ўзининг жиддий таъсирини кўрсатмай қолмади.

Васила Каримова алоҳида куйиниб таъкидлаганидек, **«Мактаб тарбияси учун масъул бу—оталар ва ўқитувчилар. Менинг назаримда, мактабда эркак ўқитувчилар кўпроқ бўлганда эди, вазият бугун бутунлай бошқачароқ кечарди».** Бунда нафақат уларни мактабга ишга жалб этиш эмас, балки ўз фарзанди тарбияси учун кўпроқ қайғуришга мажбур бўлаётган оналар зиммасидаги масъулиятни энди эркаклар ҳам олиши учун вақт етди, деган фикр ўртага ташланяпти. Бу эса ниҳоятда долзарб муаммодир.

**Қаҳҳор АЛИЕВ, Фарғона вилояти.**

# МУБОРАК МАКТУБЛАР

***Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳумоюннинг ўғилли бўлгани боис суюнчига келганлардан фарзандига хат юборади. Ушбу хатдан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.***

### ИСМ ҚЎЙИШ ҲАҚИДА

*Ҳумоюнга муштоқликлар билан соғиниб салом дегач, сўзим ушбуки, раббиул аввал ойининг ўнинчисида, душанба куни Беккина билан Баёншайх келдилар. Уларнинг хат ва арзларидан сўнг, тоғнинг у ва бу тарафидаги аҳвол аниқ маълум бўлди.*

***Шукр, бермиш санга ҳақ фарзанде,***
***Санга фарзанду, манга дилбанде.***

*Тангри таоло бундай севинчларни менга ва сенга ҳамиша насиб этсин, омин, ё раббил-оламин. Исмини Алъамон қўйибсан. Тангри муборак қилсин. Аммо шундай бўлса-да, ўзинг ёзганингдек, ғофиллик қилибсанки, бу исмни кўп қўллаганда, авом Аламо ёки Эл Амон дейдилар, «алиф» ва «лом» нинг бундай қўшилиб келиши исмда кам учрайди.*

*Тангри оти ва зотини қутлуғ ва муборак қилсин, менга ва сенга узоқ умр берсин. Алъамон кўп асрлар давлатли ва саодатли бўлсин.*

### ЁЛҒИЗЛАНИШНИНГ ЗАРАРИ ҲАҚИДА

*Сендан бироз гинам ҳам бор. Икки-уч йилдан бери бирорта одаминг келмади. Мен юборган одам ҳам роппа-роса бир йилдан кейин қайтди. Шундай ҳам бўладими?*

*Бунинг устига хатларингда ёлғизлик, ёлғизлик деб ёзибсан. Агар менинг розилигимни истасанг, хилватда ўтиришни бас қил, одамлардан узоқлашишни унут. Бир кунда икки бор уканг ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошингга чорлаб, ҳар қандай маслаҳат бўлса кенгашиб, ҳар бир ишингни бу хайрихоҳ кишилар билан иттифоқликда амалга оширгин.*

### ХАТ ЁЗИШ ҲАҚИДА

*Яна мен айтгандек, хатларингни ёзиб бўлгач, уларни қайта ўқимайсан, чунки ўқишга ният қилганингда ҳам ўқий олмасдинг. Ўқий олмаганингдан сўнг албатта ўзгартирган бўлардинг. Хатингни қийналиб ўқиса бўлади, лекин у жуда чалкаш. Насрда ҳали ҳеч ким муаммо кўрган эмас. Гарчи, унча тўғри бўлмаса ҳам имлонг ёмон мас. «Илтифот»ни «то» билан, «қулунж»ни «ё» билан битибсан. Хатингни бир амаллаб ўқиса бўлади, лекин тушунарсиз сўзларни қўллаганингдан мақсадингни тўла тушуниб бўлмайди. Эҳтимол, хат ёзишга сустлигинг шундандир. Жимжимадор сўзларни битмоқчи бўласан, шу боис тушунарсиз чиқади. Бундан кейин такаллуф қилма, равшан ва аниқ сўзлар билан ёз. Сенга ва ўқувчига ҳам ташвиш камроқ бўлади.*

**Чингиз ШУКУРОВ тайёрлади.**

# ТЎЙДАН КЕЙИН ТОМОША КЕРАКМАС

БАХТ ОСТОНАСИ

Жамиятнинг кичик бўлаги ҳисобланган оиланинг илк пойдевори никоҳ орқали қўйилади. Шундай экан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августидаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш» тўғрисидаги қарорига мувофиқ келажакда соғлом фарзандлар дунёга келиши учун авваломбор бўлажак ҳар бир келин-куёвга тиббий назоратдан ўтиши шарт қилиб белгиланди. Айни пайтда ФҲДЁ бўлимимиз туман шифохонаси билан ҳамкорликда «Никоҳ ва саломатлик» марказини очди. Бизга мурожаат қилган ёшлар шу ерда тиббий кўрикдан ўтишгач, оила қуриш учун йўлланма олишади. Тиббий кўрик жараёнида бўлажак келин-куёв терапавт, гинеколог, уролог, нарколог ва лаборатория текширувларидан ўтади. Ҳозирда оиланинг мустаҳкамлигига иккита омил кўпроқ салбий таъсир кўрсатмоқда. Биринчиси, бепуштлик бўлса, иккинчиси наслий хасталикдир.

Айниқса, яқин қариндошлар ўртасида никоҳ натижасида турли наслий касалликлар келиб чиқмоқда. Оқибатда, ногирон ва нуқсонли болалар туғилиши кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида оилаларнинг бузилишига олиб келмоқда. Бизга чекка қишлоқлардан мурожаат қилган тўрт жуфтликка келин бўлаётган қизлар ҳали вояга етмагани сабабли никоҳини қайд этишга рухсат бермадик. Ва шу ҳудудларга бориб, аҳоли ўртасида қизларни эрта турмушга бермаслик ҳақида давра суҳбатлари ўтказдик. Қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш бўйича ҳам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда маҳалла ва қишлоқларда тадбир уюштираяпмиз.

**Моҳира УМРЗОҚОВА,**
**Самарқанд вилояти,**
**Нуробод туман ФҲДЁ бўлими мудираси.**

КЎНГИЛ КЎЗГУСИ

# ҚАДР

Бошлиқнинг сўзлари унинг юрагига тиғдай қадалди. «Бўлди-да энди, кетинг», деди-я. Шунча йиллик хизматларини ҳисобга ҳам олмади. Юз-хотир ҳам қилмади.

У раҳбардан бундай муомалани кутмаганди. Бирор марта ўзидан ҳам, ишидан ҳам норози бўлмаганди. Бугун эса... Дастлаб ҳангу манг бўлиб, қотиб қолди. Сўнг хўрлиги келди. Кейин унга жаҳл ҳам қўшилди. «Кетмайман, — деди зарда билан. — Қўлингдан келса ҳайдаб юбор».

Шундай дейишга деди-ю, барибир кўнгли ғашланди. Шу пайтгача кетмаганига афсусланди. Бугунгидай қалби чилпарчин бўлмасмиди? Юрагига тошдай юк осилмасмиди?

Аслида у пенсияга чиқсам бирор кун ҳам ишламайман, деб ўзига сўз бериб қўйганди. Яна нима хаёлларга борди. Куч-қуввати, тажрибаси бўлса, уйда ўтириб нима ҳам қиларди. Бекордан худо безор.

У хонасига кирди-ю юраги увишиб кетди. Шу мўъжазгина хона, у ўтирган курси кимгадир керак бўлганини англади. Гарчи ишлайверса ҳеч ким, ҳеч нарса қилолмаслигини билса-да, бир оғиз сўз унинг хаёлларини чилпарчин қилиб юборганди. Ва у барча туйғуларидан орият устун келганини англади.

Ўттиз йил ўз уйидай бўлиб қолган даргоҳдан бегона бўлиб чиқиб кетди...

**Лола ЎРОҚОВА**

# ТУҒИЛГАН КУН ДАБДАБАСИ

НИМА ДЕЙСИЗ?

Яқинда бир танишимникига зарур юмуш билан йўқлаб бордим. Дарвозасини тақиллатсам, ўғилчаси чиқди. "Отанг уйдами?" деб сўрасам, "амакимнинг туғилган кунларига кетувдилар, кеч қайтсалар керак" деб жавоб берди. Эртаси куни сал кечроқ ўтдим. Яна кечаги жавобни эшитиб, ўзимча "нима, мени кўрмаслик учун баҳона қилаётганмикан?" деб ҳам ўйладим. Ахир, бир-биримиздан тилимиз кесиқ жойимиз ҳам йўқ эди-да. Уч кунча вақт ўтгач, у билан тасодифан кўчада кўришиб қолдик. Самимий салом-аликдан сўнг ҳазил аралаш "тинчликми, икки кун атайлаб изласам ҳам тополмадим, ё туғилган кун баҳонами?" десам, у жиддий оҳангда "э, айтсам, сизам ишонмайсиз, деярли кунора гоҳи ишхонада, гоҳи қариндошларникида туғилган кунларни нишонлаш одат бўлиб қолди. Бормасам, "ҳа, яхши жойда ишлаб, энди назарига илмай қолибди-да" дейишади. Нима қилай?"...

Ҳозир кузатаётган бўлсангиз, шаҳару қишлоқларда ҳам каттами-кичикми, аёлми-эркакми, барибир, туғилган кунини ўтказиш, гўёки мажбуриятга айланиб қолди. Ўйлаб кўрайлик, ота-боболаримиз оилада фарзанд туғилса, ақиқа, бир оз ўтгач, қудалар ўзаро кенгашиб, бешик, кейин эса суннат, мучал ёшига етса, мучал маросимларини ўтказишни ўзларининг бурчлари деб билишган. Лекин йил ўн икки ой давомида сал кам дабдабали тўйлар даражасида нишонланаётган таваллуд кунларини ҳам сал одмироқ, ҳолимизга яраша(ким ўзарга эмас!) ўтказсак бўлади-ку!

Бу борада катталар кичикларга намуна бўлсалар, ўзларининг 50,60 ва шунга ўхшаш юбилей ёшларини миллий урф-одатларимизга мос равишда нишонласалар, айни муддао бўлур эди.

**Зиёдулла ХАЛИЛОВ**

# ТИЛ БИТТА, ҚУЛОҚ ИККИТА

МУЛОҲАЗА

Бир қариндошимнинг қистови билан қўшнисиникига бешик тўйига бордик. Хотин-халажга мўлжалланган кенг хона. Тўрдан беш-олти кайвонилар, қуйироқдан ўрта ёшлилар, пастдан эса, ёш-яланг хотин-қизлар ўрин олишган. Ҳамманинг кайфияти чоғ, кўпчилик оҳорли либосларини кийиб, қимматбаҳо тақинчоқларини тақиб келган.

— Танимайроқ турибман, айланай?

Ёнимдаги опахоннинг саволига жавоб бериб улгурмасимданоқ, яқинларимдан бири жавоб бера қолди:

— Шаҳарлик қариндошимиз бўлади.

— Ҳм-м, бу атрофда кўрмаганман-да...

Бу пайтда хотинлар шовқинсурон ичида ўзаро салом-аликка ўтдилар.

— Яхшимисиз, синглим? Болачақа, хўжайинингиз, мол-ҳол....

— Ҳаммаси омонми? Неваралар...

— Сиз яхшимисиз, уй ичилар, қариндош-уруғлар, бола-чақа...

Бир уй хотин бир-бирига гап бермай чувиллашганча сўрашади. Ҳамма ҳол-аҳвол сўрайди-ю, жавобини эшитмайдиям, қизиқмайдиям. Бу шовқин ичида бировнинг гапини илғаш қийин. Кимнинг эри ўлган, ким туғмаган, шундаям салом-алик орасида тинимсиз бир-бирларидан эрларию, бола-чақаларининг саломатлигини суриштираётган аёллар ниҳоят, тинчишди. Чунки дастурхонга таом тортилганди-да.

— Барака топсин Саломатхон, ёлғиз боши билан шунча сарпо-суруқ қилибди.

— Куёви катта ишда ишлар эканми?

— Ҳа, шунақа дейишди, ҳалиги қизи тушмагур андак шўхлик қилиб қўйганмиш... Саломатхон асли бошқа оила билан қуда бўлмоқчийди.

Кимдир гапираётган аёлни кескин тўхтатди:

— Дастурхонида ўтирибмиз-а, айланай, овсин, ўтган ишларни қўяйлик...

Қариндошим менга маъноли



қараб қўйди. «Томошанинг каттаси олдинда». У шундай деб нимани назарда тутди, аввалига тушунмадим. Кейин эса бирибирига гап бермай чуғурлашаётган хотинларга тикилиб қолдим. Булар ҳеч бўлмаса бир-бирини тинглашармикан? Ёнимдаги аёл бўлса уларнинг гапларини менга оғзи-оғзига тегмай «таржима» қила кетди...

Сафга яна бир неча аёллар қўшилди. Улар ўзларига жой топиб ўтиргунларича бошқалар эринмай, такрор саломлаша бошлади. Тавба, бундай давраларга унча киравермаганимгами, ғалати тарздаги саломлашиш менга эриш туюлди. Сурхон томонларга борганимда худди ана шундай даврага тушиб қолгандим. Лекин унда манзара бутунлай бошқача эди, яъни аёллар бир-бирларини сабр-тоқат билан эшитиб, кейин ўзларига навбат текканида саломлашишган. Ёки бу борада ҳар бир ҳудуднинг ўз удумлари борми, яна ким билсин?

Бу даврадаги опахонларимиз эса бир-бирини эшитиш у ёқда турсин, дастурхонида ўтириб ҳам мезбоннинг «авра-астарини» ағдариб ташлашмоқда. Аёлларимиз ажойиб, кўз кўзга тушганда берилиб, бир-бирлари билан қуюқ сўрашадилару орқаворотдан хуфёна маълумотлар тўплашади. Энг ажабланарлиси, бирбирларини яқиндан билмай туриб, айниқса, бегона аёллардан бола-чақасию, эригача суриштиришлари қизиқ. Энг чиройли тарздаги «Ассалому алайкум, саломатмисиз?» ёки «Омонмисиз, омон бўлинг, саломат бўлинг» каби иборалар ҳол-аҳвол сўрашиш учун кифоя эмасмикан? Гоҳида тўй-маъракалару табрик учун чиққан меҳмонларнинг самимий сўзлари ўзаро шовқинсурон остида қолиб кетаётганидан хижолат тортасан киши.

Инсоннинг тинглаш маданияти қандай бўлса, фикрлаш маданияти ҳам шунга яраша бўлади. Икки киши ўзаро суҳбатлашаётган бўлса, тарбия кўрган учинчи одам дабдурустдан орага суқилмайди. Ёки узр сўраб гапга аралашади. Бизда-чи? Негадир тинглаш маданиятини шакллантириш қийин кечяпти. Оддийгина мактаб боласини олайлик. Бола агар ўз ўқитувчисини, ота-онасини тинглай билса ва айтганларига амал қилса, унинг тарбияси ёмон бўлишига ишонмайман. Уларники тингламаган бола бошқаларни тинглармиди? Мактаб ўқувчисига саломлашиш одобидан тортиб, бошқаларни тинглаш маданиятигача ўргатмасак, кейин бу қусурни тўғрилаш қийин бўлади. Аксарият болаларимиз (оталари билан биргаликда) мириқиб томоша қиладиган корейс сериалларида ижобий бир жиҳат бор: яъни қаҳрамонлар бирбирини тинглашади. Ҳатто ўзаро жанжаллашаётган пайтларида ҳам ҳар бир сўзни ўта мулоҳазакорлик билан сўйлаб, кейин жавоб беришга интиладилар. Нари борса, умуман жавоб бермай кўя қолишади. Ушбу сериаллар шу томонлама катта тарбиявий аҳамиятга эга, назаримда. Турфа мавзудаги сериалларга банди болалар бу фильмлардаги ана шу жиҳатларни илғашармикан? Ёки фақат уларнинг қилич ва камонларига ишқибоз бўлиб қолишаверадими?

...Ҳовлида қўшнининг гулларини синдираётган болага дакки бериб кўнглим оғринди. Негаям шуни койидим, дея ўйладим. Аммо мен танбеҳ бермасам, ким гапиради? Кўра била туриб, индамай ўтиб кетсам, у бу хунук одатини давом эттираверади-ку!

Мен унга дакки берганим сайин у гапимни охиригача эшитмай тўнғиллай бошлади:

— Сизнинг нима ишингиз бор? Буларни сиз экиб қўйибсизми? Ўзингизнинг томорқангизга хўжайинлик қилинг.

— Тўхта, ўғлим, мен гапириб олай, кейин сен жавоб қайтарасан.

— Қанақасига мен сизнинг ўғлингиз бўламан?! — боланинг тунд чеҳраси мени сескантирди. У ҳозирданоқ шунчалик кўрски, муомаласидан беихтиёр юрагинг увишади. Бирпасдан кейин онаси чақириб қолди.

— Намунча бўкирасиз? Ҳозир, дедим-ку!

Онасини ҳурмат қилмаган бола ўзгаларни ҳурмат қилармиди?

Баъзи оилаларда ота-оналаридан олдин фарзандлар гапиради. Ёки уйдагилари катталар билан гаплашаётган бўлса, луқма ташлаб туради. Баъзилари имо-ишорадан катталар дилидагини илғайди. Нима бўлганда ҳам, давраларимиз, тўй-ҳашамларимиз ғоят маданиятли тарзда ўтишини истайман.

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи**

*Мактабда ўқиб юрган дамларимда «Ёшлик» дафтари тутардик. Ундаги анкета саволлари орасида «Сизнинг дўстларингиз ким? Улар кўпми?» деган саволга: «Ҳа, дўстларим жуда ҳам кўп», деб жавоб бергандим. Йиллар ўтгач, ўйланиб қолдим. Ростдан ҳам менга сирдош, дилдош дўстларим кўпми? Бўлса, энди улар қаерда? Ҳақиқатан ҳам, ўқувчилигимда, талабалигимда жуда кўп қадрдонларим бўларди. Кейин ҳамма ўз йўлидан кетди. Ташвишлардан ортмай қолдик. Ҳозир бир шаҳарда яшасак ҳам баъзан ойлаб, йиллаб бир-биримизни кўрмаслигимиз мумкин. Гоҳида ҳатто телефон орқали хабарлашишга ҳам вақт тополмаймиз. Шу ҳақда ўйласам, ўзим-ўзимга «биз ўзи чин дўстмидик?», деган саволни бераман. Аслида инсонга дўст нима учун керак? Бу саволларга бирданига жавоб топиш қийин...*

# ДЎСТИ ЙЎҚ ОДАМ БАХТСИЗМИ?



**Феруза АКРАМОВА — психология фанлари номзоди, доцент:**

— Инсон учун ота-она ёки қариндош қаторидаги энг меҳрибон одам унинг дўстидир. У энг яқин жигар гўшаларисиз ўзини қанчалик ёлғиз, мададсиз ҳис қилса, дўстларсиз ҳам шунчалик дили мажруҳ, кўнгли ярим бўлади. Ҳатто, дўсти йўқ одам - бахтсиз одамдир, деган ибора ҳам бор халқимизда.

Яхши-ёмон кунингда ёнингда турувчи дўстинг, қадрдонларинг бўлмаса, сени ҳеч ким йўқламаса, бор-йўқлигинг билан ҳеч ким қизиқмаса, бундан ортиқ бахтсизлик бўлмаса керак, менимча.

**Наргиза ХАЛИЛОВА — психолог:**

— Инсон атрофидагилардан андоза олиб ўзига мос характер-хислатлар, хулқ-атвор меъёрларини қабул қилади. Албатта, дўстлик инсонлардаги олий туйғу ҳисобланиб, унда кишининг қизиқиши, интилиши, лаёқати, қобилияти, характер-хусусиятларининг ўзаро мослиги муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида ҳар бир инсон учун, албатта, дўст керак. Чунки кундалик ташвишлари, ҳар-хил ўй-фикрлари, мулоҳазаларини ўртоқлашишда, ечилмаган муаммоларига жавоб топишида, бирон бир фаолиятни бажаришда, истасак-истамасак, ҳамкорлик қиладиган инсонга эҳтиёж сезамиз.

* * *

Негадир кўпчилик болаликдаги дўстларини бошқача меҳр билан эслайди. Боғчадаги, мактабдаги дўстларимиз билан боғлиқ таассуротларини қадрлаймиз. Умуман, одамнинг дўст танлашида ёшининг таъсири борми? Боғчада, мактабда, олий ўқув юртида, ишхонада орттирилган дўстлар бир-биридан фарқ қиладими?

— Инсон умрининг ўсмирлик ва ўспиринлик даврларидаги ўзаро муносабатларда бир хил қизиқишлар, қарашлар, манфаатлар мос келиши асосида ўртоқлик ва дўстлик муносабатлари вужудга келади, — **дейди Феруза АКРАМОВА.** — Руҳшунослар тили билан айтганда, дўст — бу «алтер эго», яъни иккинчи «мен» бўлиб, у ўша пайтдаги «мен»ининг бир қисми сифатида идрок қилинади. Биринчи марта «дўстлик», «муҳаббат», «севги» тушунчалари ҳам айнан шу даврда пайдо бўлади. Шунинг учун етуклик ва кексалик давридаги кишилар ҳам ўспиринлик йилларидаги дўстликни энг беғубор, жозибали ва ёқимли деб хотирлайдилар.

* * *

Дўстим Шаҳло билан тайёрлов курсига келганимнинг биринчи кунидаёқ танишганмиз. Дарслар тугагач, у ёнимга келиб, «қаерликсиз? Қаерда турмоқчисиз? « деб сўраган. Шундан сўнг яқиндан танишиб олдик. Иккаламиз тез орада апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Хурсандчилигимиз ҳам, ғам- аламларимиз ҳам биргаликда ўтган. Кейин мен учинчи курсга ўтиб, турмушга чиқдим. Энди у менинг шаҳардаги ижара уйимга тез-тез келиб турарди. Дарсга бормасам, хавотирланиб, дарров хабар оларди. Факультетда бизнинг бўлимимиз тугатилди-да, бутун гуруҳимизни пойтахтдаги журналистика факультетига кўчиришди. Ўртоғим бошқа курсдошларимиз билан ётоқхонада, мен оилали бўлганим учун ижарада яшардик. Ўқишни битириб, кетадиганлар кетишди, пойтахтда иш топиб ўрнашганлар қолди. Дугонам ҳам ўз шаҳрига қайтиб кетди. Ҳайҳотдай кенг шаҳарда бир ўзим ёлғиз қолдим, гўё. Кунлаб, ойлаб кўчага чиқа олмайман. Чиқсам ҳам фақат Талабалар шаҳарчасига бориб, бир пайтлар дугонам яшаган ётоқхона олдида туриб-туриб қайтиб келаман. Бу орада фарзандли бўлдим. Энди болам билан ўзимни овута бошладим. Қўни-қўшнидан, танишбилишдан дўстлар орттирдим, аммо ҳеч ким мени Шаҳлодек тушунмасди. Мен усиз ўзимни жуда ҳам ёлғиз ҳис этардим.

Самарқандга борганда дўстим билан иккимизнинг талабалик давримиз ўтган уйда, Шаҳлоларнинг ота уйида учрашдик. Эрталабгача, бирга ўтказган дамларимизни эслашиб, ичимиздаги бор сирларимизни айтиб, суҳбатлашиб чиқдик. Шунга амин бўлдимки, қанча йиллар ўтса ҳам ҳақиқий дўстлик ўз қадрини йўқотмас экан.

**ҚАДИМИЙ ФАЛСАФА**

***Юнон файласуфи Арасту дўстликни уч турга бўлади:***

**1. Ўйин-кулгу учун дўстлик.**
**2. Манфаат учун дўстлик.**
**3. Холис дўстлик.**

Ўйин-кулгу ва манфаат учун қурилган дўстлик узоққа бормайди. Иккаласининг ҳам замирида манфаат ётади. Манфаат бор жойда эса нифоқ, низо келиб чиқади ва дўстлик тугайди. Ҳақиқий дўстлик бир умрлик ёки кўп йиллик бўлади. Бир пайтлар сиз билан қалин дўст бўлган дугоналарингиз, дўстларингиз ҳозирга келиб сизни йўқламаса, ҳол-аҳвол сўраб хабарлашмаса, яхши-ёмон кунларингизда ёнингизда турмаса, улар сиз билан фақат ўйин-кулгу учун дўст бўлган, албатта. Ўша лаҳзаларда сизнинг даврангизда бўлиш уларга завқ бағишлаган. Бу эса оний, ўткинчидир. Манфаат йўлида қурилган дўстлик маълум бир мақсад амалга оширилгандан кейин ўз-ўзидан барҳам топади. Холис дўстлар доим бирбирларини ҳимоя қилиб, қўллаб-қувватлашади. Бегоналар олдида дўстини танқид билан изза қилишмайди. Ҳақиқий дўст тинглашни, ишонишни, дўстининг барча яхши-ёмон хислатларини қадрлашни билади. Дўстликнинг асосий шарти - ўзаро бир-бирини тушуниш. Шу шарт бўлмаса, дўстлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

**Хулоса ўрнида**

*Инсон токи тирик экан, дўстга эҳтиёж сезади. Ҳар қандай пайтда ёнингда тургувчи, суянчиқ бўлувчи бир яқин қариндошга интиқ бўлади.*

*Очиғини айтганда, ДЎСТ сен учун ОЙНАдир. Унда ўзингга ўхшаган яна бир инсонни кўргинг келади. Гарчи бир-бирига айнан ўхшайдиган икки одам бўлмасада, бир-бирини тўлдирувчи инсонлар ҳаётда кўп. Демак, шошилинг, атрофингизда номаълум дўстларингиз бор, улар билан танишинг, дўстлашинг.*

**Шаҳноза РОФИЕВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**




**«МИНТАҚА»** — бу сўзнинг асл маъноси «камар», «белбоғ», «доира» тушунчаларини англатади. Шунингдек, қуруқлик қисмининг иссиқ-совуқлигига қараб бўлинган бўлаклари ҳам минтақа деб аталади.

**«ХИЗР»** — Ривоятга кўра, оби ҳаётни, мангу тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадиятга эришган пайғамбар. У кишиларга йўлдошлиги билан машҳурдир.

**«ДАНҒАЛ»** — бу сўз одатда, бир сўзли, танти, ваъдасининг устидан чиқадиган мард одамларга нисбатан қўлланилади. Лекин, «данғал» сўзининг асл маъноси ўзгачароқ, яъни қадимда ўриб бўлинган арпа ва буғдойларни дасталаб, боғлаб чиққандан сўнг шу боғламларга нисбатан «данғал» сўзини қўллашган.

**«БЎЗ ЙИГИТ»** — «бўз» сўзи «бўй» маъносини билдиради. Демак, «бўз йигит», «бўйдор йигит» маъносини англатади.

**«ТЕНГ-ТЎШ»** — Қошғарийнинг изоҳлашича, «тўш» сўзи «тенг» деган маънони билдиради. Демак, халқ орасидаги «тенг тўшинг билан» деган ибора «тенг-тенгинг билан» деган маънони англатади.

**«ҚЎКАЛДОШ»** — сут эмишган, аслида бегона бўлса ҳам бир онани эмиб, қариндошлашган кишиларга нисбатан айтилган.

**«ҚЎНОЛҒА»** — қуш қўнадиган жой маъносини, умуман қўнар жой маъносини англатади.

**Рукнни Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

# БОЛАЛАРДАН ЯШИРМАЙЛИК

*МУХЛИС ФИКРИ*

Биз қирқ йилча мактабда муаллимлик қилиб пенсияга чиққанмиз. Ишлаб юрган вақтимизда ҳам қўлимизга тушган китоб ёки газета-журнални эмас, аксинча, танлаб-танлаб ўқишни одат қилганмиз. Айниқса, кейинги пайтларда эшитишимизча, мингга яқин нашрлар чиқаётган эмиш. Энди уларнинг аудиториясини ҳисобланг. Ўқувчининг ёшидан тортиб, дунёқарашигача, савиясигача ҳисобга олиниши кераклигини даврнинг ўзи талаб қилаяпти.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларимизни ҳам билдирмоқчимиз. Албатта, ўқиш, кўриш ва эшитиш ҳар кимнинг диди-фаросатига боғлиқ. Энди оилада ҳам шундай: биров сериал кўради, бошқаси маза-матрасиз қўшиқ эшитади, яна бири кўнгилочар газета ўқийди. Ҳеч кимни мажбурлаб кўнгли тортмаган овқатни ейишга мажбурлаб бўлмагани каби маънавий озуқани ҳам зўрма-зўраки тиқиштириш мушкул. Масалан, бизнинг уйда маърифий китоблар, газета-журналлар жуда кўп. Ҳатто айрим нашрларнинг ўн-йигирма йиллик тахламларини ҳам сақлаб қўйганмиз. Лекин уларни кўргазма учун йиғмаганмиз, балки ўзимиз, невара лар ва керак бўлса, қўни-қўшнилар ўзларига керакли манба-маълумотларни олсин, деган ниятда эр-хотин биргалашиб, тўплаганмиз.

Яқинда бир газета (номини ёзмадик) ни ўқиб, кўнглимиз сал ранжиди. Ёзиш тугул, ўқишга одам уяладиган, ошиқ-маъшуқлар ўртасидаги муносабат билан боғлиқ воқеа тафсилотларини муаллиф шундай берилиб тасвирлайдики...ёқангизни ушлайсиз. Бирданига хавотир аралаш сўраган гапимиз шу бўлди:"Болалар ўқимаптими ишқилиб?!"

Шундай мавзудаги боши бор, адоғи йўқ тўқима мақола-ҳикояларни эълон қилиб, газетхонни ўзига жалб этаман, деган газета қаттиқ янглишади. Бир оддий ҳақиқатни тан олиш керак: у ҳам бўлса, бугунги мухлис бундан беш ё ўн йил аввалги муштарий эмас, у энди танлаб-танлаб, саралаб ўқийди. Уларни ўзининг холис ҳақами, деб билган газета ёки журнални чиқараётган масъуллар бизнинг миллий манфаатларимизни, шу жумладан, оиладаги муқаддас урф-одатлар ва анъаналарни ҳам ҳисобга олишини истардик. Асосий ниятимиз, ота-оналар фарзандларидан, болалар эса катталардан ўзи сотиб олган газетани андишага бориб, яшириб ўқимасин.

Бизнинг хонадонимиз учун қадрдон бўлиб қолган "Оила ва жамият" газетаси ўқувчиларини, қолаверса, ижодкорларини ҳам юртимизга кириб келган қадимий айём— Наврўзи олам билан чин кўнгилдан табриклаймиз.

**Қўйсиной МУРОДОВА,**
**Чори ҚОБИЛОВ,**
**Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Хўжаилғор маҳалласи.**




# ...ТОРТА-ДИРМАН ЖАБРИНИ

**Қайси она** ўз фарзандига ёмонлик қилишни истайди. Ёлғизгина ўғлимни еру кўкка ишонмай ўстирдим. Унга дунёдаги ҳамма яхшиликларни қилсам дердим. Ана шу ниятда ўзи ёқтирган, менга ҳам маъқул бўлган қизга уйлантирдим. Келинимнинг елиб-югуришлари, ўғлимга мендан ҳам кўпроқ меҳр кўрсатиши ғашимни келтирарди. Хаёлимда у ўғлимнинг бошини айлантириб, мендан бездириб, уйимдан олиб кетиб қоладигандай бўлаверди. Аста-секин келинимни кўрсам, ўз-ўзидан жазавам қўзғайдиган одат чиқардим. Менинг муносабатимни кўриб, ўғлим ҳам, серзарда бўлиб қолди. Охири, келин ҳам ўғлимга жаҳл қиладиган бўп қолди. Оқибатда кўза синди. У боласини олиб онасиникига кетди. Шундан сўнг бироз кўнглим жойига тушгандай бўлди. Лекин ўғлим довдираб ўзини қўярга жой тополмасди. Шу орада қудалар билан қаттиқ жанжаллашиб, орани очиқ қилдик. Кейин ўзим билган, таниган оиладан келин қилдим. Лекин ўғлим тез-тез ароқ ичиб келадиган, ўртоқларига ҳам қўшилмай уззу-кун шифтга тикилганча хаёл суриб ётадиган одат чиқарди. У энди бутунлай ўзгариб қолган эди. Ҳатто мен билан ҳам зўрға салом-алик қиладиган аҳволга тушди.

Энди билсам, ёлғиз фарзандим билан бирга яна тўрт инсоннинг бахтига зомин бўлдим. Аввалги келиним турмушга чиқди, энди уни қайтариб бўлмайди. Буниси фарзанд кўрмади, қолаверса, ўғлим унга яхши муносабатда бўлмади — кетиб қолди. Айтинг, яхшилар! Нима қилсам, ёлғизгина суянчиғим менинг бўм-бўш юрагимга қайтади. Ҳувиллаган уйда невараларимнинг кулгиларини эшитиш насиб қилармикан?

**С. СОЛИҲОВА,**
**Тошкент тумани.**

# ЖИМГИНА СЕВГАНМИЗ

**Турмуш қурганимга** 20 йилдан ошди. Ўшанда 9-синфда ўқирдим. Маҳалламизда мендан икки ёш катта йигитнинг ўртоғи йўлимни тўсганча: «Сени дўстим яхши кўради», деганида қалтираб кетганман. Шу-шу ўша ошиқ мени кўрганда қизариб кетганча бошини эгиб оларди. Ишонасизми, мен у билан бирон марта гаплашмаганман. Фақат бир марта мактабдан қайтаётсам, қўлимга букловлик хат тутқазди-да: «Илтимос, бизнинг муносабатларимизни хоҳ дугонанг, хоҳ синглинг бўлсин, ҳеч кимга айтма», — деди.

Биламан, бу сизга ғайритабиий туюлиши мумкин. Лекин биз бир-биримизни жимгина севганмиз. Биз учун қўнғироқ чалиниб, мактаб йўлагида рўпара келиб, бир бора термулиб қўйишнинг ўзи катта бахт — ҳаяжонга тўла онлар эди. Ҳатто мактабни битиргунча ҳам дилдан очилиб гаплашмадик. Ҳарбий хизматга кетаётган куни эса синфдошига: «Лайлога айт, мени кутсин», дебди холос. У ҳарбий хизматдан келадиган йили мени узатадиган бўлишди. Ҳамма совчиларни қайтаравердим. Бир куни уйда йўқ пайтим онам менинг розилигимсиз хўп деб юборибди. Гарчи ўша йигитни ҳарбий хизматдан қайттач, кўрмаган бўлсам-да, умидимни узмадим. Чунки у хизмат қилаётган пайти ота-онаси бошқа туманга кўчиб кетганди. Хуллас, онамнинг «сенсиз рози бўлиб қўйдик», деган гапидан карахт ҳолда ўтирарканман, «кимга» деб сўрашни ҳам истамасдим. Шунда... «фалончининг яқинда ҳарбий хизматдан қайтган ўғлига», деганини эшитдиму баттар донг қотдим. Ахир у «Ўша» эди-да! Мана шунча йилдан бери бирга аҳил, иноқ яшаётган бўлсак-да, кўз тегмасин, бирон марта «сен-мен»га бормадик. Шунинг ўзи муҳаббат эмасми?

**ЛАЙЛО,**
**Самарқанд.**



# ҚАНОАТДА ҲИКМАТ КЎП

## «Биринчи мактуб», (10-сон)

Не-не умидлар билан Холидахон билан бир ёстиққа бош қўйиб, 14 йилдан бери фарзандсизлик азобида қийналаётган экансиз.

Тақдирингиздан воқиф бўлгач, ўз бошимдан ўтган воқеани айтиб беришни жоиз деб билдим. 3 ойлик келинлик пайтим эди, уйга қайнаммам меҳмон бўлиб келди, ўшанда у: «Келинингнинг ҳомиласи борми?» — деб сўради. Қайнонам ҳали ўзлари бола-ку, «ўйнаб-кулишсин, нега шошиласиз?» — деди қаҳ-қаҳ отиб. Амма важоҳат билан: «Сен содда бўлмасанг, сўраб-суриштириб, кейин келин танламайсанми, келинни онасиям 14 йил фарзанд кўрмаган экан, нодон!» — деди. Қайнонам уни тинчлантирган бўлди. Тепада тикиш билан шуғулланиб ўтирарканман, бу суҳбатдан «онажонимни ҳақоратлашди-я», дея оловдек ёниб кетдим. Уялганимданми, аламданми, шу ойдан ҳомиладор бўлиб, ўғил фарзанд кўрдим. Ҳалигача «аммадан қўрқиб, ўғил туғдим, йўқса, мени суюкли эримдан ажратарди», деб юраман.

Энди онажонимга келсак, чиндан-да, 14 йил фарзанд кўрмаганлар. Ўн тўрт йил ўтгач, онажоним эгизак яъни Ойша-Фотима кўрибди. Ойша бир ярим ёшга етганида бирданига ҳарорати кўтарилиб, вафот этибди. Худо яна шунча йил кутган дадамнинг сабрини синагандек, бешта қиз берибди.

### АКС-САДО

Лекин бирор марта дадам, «сен қиз туғдинг», демаганлар ёки онажонимга озор бермаганлар. «Сабрли қулим етар муродга», деганларидек, олтинчи ва еттинчи фарзандлари Ҳасанбой-Ҳусанбойлар туғилган. Ҳозир ҳар бирининг 3 тадан фарзандлари бор. Яна бир оилани биламан, севишиб оила қуришганди. 10 йил яшашди. Лекин фарзанд кўришмади. Бир қизни чақалоқлигидан тарбияга олишди. Ўша қизнинг ёши еттига етганда, эгизак фарзандли бўлишди.

Энди ўша асраб олинган қизни, «қутлуғ қадам экансан», дея қадрлашларини кўрсангиз эди...

**Фотима БОЛТАЕВА,**
**Қўшкўпир тумани.**

# «ИЧИМДАГИ БЕГОНА»

**Наргиза опа билан** қўшнимиз. Жуда самимий, содда аёл. Ҳамма нарсанинг яхши томонини кўришга ҳаракат қилади. Ёмонликни ҳеч ўйламайди. Шунинг учун бўлса керак, доим атрофдаги одамларнинг муомала-муносабатларидан азоб чекиб юради. Ҳамма нарсаси етарли: уй-жойи бинойидек, турмуш ўртоғи, шириндан-шакар болалари бор. Аммо, негадир доим маъюс, ғамгин кўринарди. Сабабини эса у киши билан дилдан суҳбатлашгач англаб етдим.

— Ўн саккиз ёшимда Илҳом деган йигит билан танишиб, севишиб қолдик. Анча пайт учрашиб юрдик. Аммо бир куни онам ёнига чақириб: «Мана, бўйинг етиб қолди, уйдан совчиларнинг оёғи узилмаяпти. Даданг билан маслаҳатлашиб, сени амакингни ўғли Нодирга узатмоқчимиз», деганларида, қотиб қолдим. Йиғлаб-сиқтадим, на илож, ота-онамга қарши боролмадим. Лекин, тақдир экан, кўндим. Йиллар ўтди, уч қиз, бир ўғилли бўлдик. Турмушимдан нолимайман, ҳаммаси жойида, камим йўқ. Бироқ, турмуш ўртоғим мени тушунмайди, ё иккимиз бошқа-бошқа қутблармиз. Уни қизиқтирган нарса, мен учун аҳамиятсиз. Менинг ички оламим эса унга бегона...

Наргиза опанинг гапларини тинглаб, ўйланиб қоламан. Тўрт фарзанднинг онаси бўлганда, ўзининг руҳан ёлғиз эканлигини ҳис қилиш бир томондан тўқликка шўхлик, бекорчиликдан келиб чиққан ўйдек бўлиб туюлади. Иккинчи томондан эса унга раҳмим ҳам келади. Чунки у кишининг турмуш ўртоғи вазифасини фақат оилани таъминлаб қўйишда деб билади. Хотинининг қизиқиши, кўнгли билан иши йўқ. Демак, оиладаги муаммо фақат моддий таъминот билан ҳал бўлмас экан-да...

**Умида РАҲМОНОВА,**
**ЎзДЖТИ халқаро журналистика факультети.**

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ВА ВИЛОЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ

***мамлакатимиз аҳлини фасллар келинчаги бўлмиш баҳор, янгиланиш, яшариш ва гўзаллик байрами Наврўзи олам билан чин дилдан муборакбод этади!***

*Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, элимиз дастурхони тўкин-сочин, келажагимиз янада фаровон бўлишини тилаймиз.*



*"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йилида республикамизнинг ҳар бир бурчагида бунёдкорлик ва ўзгаришлар, юксалишлар давом этаверсин.*

**НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

**Озод ва обод Ватанимизда улуғ айём Наврўзи олам шукуҳи кезаётган ушбу лаҳзаларда**

# ШАҲРИСАБЗ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ВА ТУМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ

***барча ватандошларимизни яшариш ва янгиланиш байрами билан самимий муборакбод этади!***



*Жаннатмонанд ўлкамизга гўзаллик, нафосат ва ўзгача чирой бағишлаётган бу бетакрор айём ўзи билан бирга тинчлик, ободлик, тўкинлик ва фаровонлик олиб келишига тилакдошмиз.*

***Байрамингиз муборак бўлсин муҳтарам юртдошлар!***

# ЭМЛАШ ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

## унинг тартиби қандай кечади?



***Фарзандларимизнинг юқумли касалликларга чалинмай, соғлом вояга етишлари учун ўз вақтида эмлатишнинг аҳамияти жуда муҳим. Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан 2009 йил 1 январдан туғилган болаларни 1 мартдан янги вакцина билан эмлаш бошланди. Бу жараённинг ўтказилишида янги вакцина билан эмлашнинг афзалликлари хусусида батафсил маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги етакчи мутахассиси, тиббиёт фанлари номзоди Дилором Турсуновага мурожаат этдик.***

— Эмлаш одам танасига вакцина (иммун зардоб) юбориш орқали касалликларнинг юқишидан ҳимоялашга қаратилган оммавий тиббий ҳаракатдир. Бу жараён асосан болаларнинг туғилгандан сўнг дастлабки йилларда амалга оширилади. Бола белгиланган вақтда эмланиши зарур. Албатта, бунда ёш оналар, айниқса кўпни кўрган қайноналар жадвал асосида болани эмлатиб боришга жиддий аҳамият беришлари керак. Шароит тақозоси билан яшаётган жойи вақтинча ўзгаришидан қатъи назар, республикамиз ҳудудидаги ҳар бир бола ўша вакцинани вақтида олиши шарт.

Юртимизда бепул ишлатиладиган вакциналар Жаҳон Соғликни сақлаш Ташкилоти сертификатига эга бўлган энг юқори сифатли вакциналардир. Жорий йилнинг январидан туғилган болалар мартдан бошлаб 2-3-4 ойлигида янги вакциналар билан эмлана бошланди. Бу вакцина билан бола дифтерия, қоқшол, кўкйўтал, вирусли гепатит В га, ўткир шолга, зотилжам ва менингитга қарши бир йўла эмланади. Янги жадвал асосида энди бола 6 ойлигида эмланмайди.

Умумий эмлаш натижасида болада қизамиқ, қоқшол, сил, тепки, шол, кўкйўтал, бўғма, гепатит, зотилжам, менингит касалликлари юқишининг олди олиниб, болада фаол иммунитет ҳосил бўлади. Баъзан оналар боласини биринчи, иккинчи маротаба эмлатиб, кейингисини унутиб қолдирадилар ва бунга унчалик аҳамият бермайдилар. Ваҳоланки, боланинг соғлом вояга етиши учун ҳар бир эмлашнинг ўрни алоҳида. Чунки бола ўз вақтида 1-2 эмлатилиб, учинчи марта эмлатилмай қолса, тўлиқ иммунитет ҳосил бўлмайди. Болани эмлатишдан олдин педиатр томонидан тиббий кўрикдан ўтказилиши шарт. Эмланаётган бола соғлом бўлиши керак. Албатта, бир марта ишлатиладиган шприцдан фойдаланиш назорат қилинади. Шприцлар ҳам бепул. Бола танасида вакцинани ўзлаштиролмайдиган хасталик бўлса, тиббий чекловлар белгиланади. Агар бола шамоллаган бўлса ёки бошқа вақтинчалик касалликлар билан оғриса, соғайгач, ёки даволаниш жараёнида эмланади. Албатта эмланаётган боланинг қорни тўқ бўлишига ҳам аҳамият бериш лозим. Ухлаб ётган болани эмлаш мумкин эмас. Эмлангач, болани ярим соатдан сўнггина уйига олиб кетишга рухсат берилади. Эмлашдан сўнг бола инжиқлик қилиши, тана ҳарорати бироз кўтарилиши ҳақида онани хабардор қилиш ва бундай ҳолатларда қандай чора кўриш тушунтирилади. Агар боланинг иссиғи тушмаса ёки бошқа ҳолатлар кузатилса, шифокорга мурожаат этиш тавсия қилинади. Эмланган жойи қизариб шишса, хавотирланмаслик керак. Булар меъёрий ҳолатлар бўлиб, 2-3 кунда ўтиб кетади. Шу боис эмланган жойга нисбатан чора кўриш, уқаламаслик керак. Вакцина бола танасига инфекция тушганда унга қарши курашувчи антижисмлар (қаршилик кўрсатувчи воситалар)ни ишлаб чиқаради. Эмлаш эса бундай антижисмларни бола соғломлигида ҳам ишлаб чиқаришга туртки бўлади, касалликдан ҳимоя қилади.

***Ҳар бир эмлашни вақтида олишлари учун оналаримизга ёрдам тариқасида эмлаш жадвалини ҳавола этамиз:***

| Эмланувчининг ёши | Эмлаш номлари |
|---|---|
| 1-чи 24 соатда | ВГВ-1 |
| 2-5 кунлари | ОПВ-0, БЦЖ-1 |
| 2 ойлик | АКДС-1, ВГВ-2, +ХИБ-1, ОПВ-1 |
| 3 ойлик | АКДС-2, ВГВ-3, +ХИБ-2, ОПВ-2 |
| 4 ойлик | АКДС-3, ВГВ-4, +ХИБ-3, ОПВ-3 |
| 12 ойлик | КПК-1 |
| 16 ойлик | АКДС-4, ОПВ-4 |
| 6 ёш | КПК-2 |
| 7 ёш (1-синф) | АДС-М-5, ОПВ-5, БЦЖ-2 |
| 14-15 ёш (8-синф) | БЦЖ-3 |
| 16 ёш | АДС-М-6 |

***ВГВ — Вирусли гепатит В га қарши эмлаш;***
***ОПВ — Ўткир шолга қарши эмлаш;***
***АКДС — Дифтерия, қоқшол ва кўкйўталга қарши эмлаш;***
***АДС-М — Дифтерия ва қоқшолга қарши эмлаш;***
***БЦЖ — Ўпка силига қарши эмлаш;***
***КПК — Қизамиқ, тепки, қизилчага қарши эмлаш;***
***ХИБ (микроби туфайли) — Зотилжам, менингитга қарши эмлаш.***

**Тамара ХУММАМАТОВА** суҳбатлашди.

*САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ*

## МОМОҚАЙМОҚ

***Момоқаймоқ йиллик, бўйи 20-50 см. келадиган мураккаб гуллилар оиласига мансуб ўсимлик бўлиб, йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, боғларда ўсади.***

У халқ табобатида шифобахш гиёҳ сифатида: иштаҳа очувчи, таом ҳазмини яхшилашда, қабзият, қорин дам бўлганда, сариқ ва жигар хасталигида, бод, қандли диабет, қон босими ошганда, пешоб йўли, буйрак тоши, сил, қўтир, чипқон, куйган жойларни даволашда, сўгалларни йўқотишда яхши даво бўлади. У айниқса камқонликда, қувватсизликда фойдалидир. Гулларидан тайёрланган мураббо ташқи кўринишидан, ҳиди ва таъми билан асални эслатади. Бу мураббони тайёрлаш унчалик қийин эмас. Эрта билан соат 6-7 ларда ўсимлик хушбўй нектарга тўлганида гуллари йиғилади. Сўнг 100 гр. гулига 900 мл. сув нисбатида олиниб, 2-3 дона лимон парраги қўшилади ва паст оловда 40-50 дақиқа қайнатилади, докадан ўтказилади. Кейин 1 кг. қанд қўшилади ва 60-80 дақиқа қайнатилади. Буюк аллома Абу Али ибн Сино ушбу ўсимлик билан йўтални қолдиришда, тиқилмаларни очишда фойдаланган. У заҳарга қарши, чаёнлар чаққанда наф беради. Эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтиришда малҳам бўла олади. Ундан тайёрланган қуйидаги дамлама иштаҳа очувчи, қабзиятда ва ўт ҳайдовчи сифатида ишлатилади. Бунинг учун бир ош қошиғида ўсимлик барглари ва гуллари олиниб, 200 гр. қайноқ сувга солинади, 20 дақиқа дамланади, сузилади ва 2-4 қошиқдан кунига 3 маҳал таомдан ярим соат олдин ичилади. Илдизидан тайёрлаш учун у туйилади, бир пиёла қайноқ сувга бир ош қошиқ солиниб, паст оловда 30 дақиқа милтиллатиб қайнатилади. Сўнг қайнатмадан кунига 3 маҳал, 2-3 ош қошиқдан ичилади.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**

# “ТЕКИНХЎРЛАР” ОИЛАСИ ХАВФ СОЛАЁТИР

## Ёхуд инсон танаси ҳисобига “кун” кўрувчи гельминт (гижжалар)лар хусусида

Бугунги кунда даволаш муассасаларига турли ёшдаги, ҳеч иккиланмасдан айтсак бўлади, афсуски, етти ёшдан эмас, ҳатто гўдаклардан тортиб нуроний кексаларгача паразитар (грекча «паразитос»—текинхўр) касалликлардан азият чекишаётганидан нолиб мурожаат этаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Одамлар, ҳайвон ва ўсимликлар тўқималари ва аъзолари ҳисобига “кун кўрадиган” чувалчанг (гельминт—гижжа, қурт)лар келтириб чиқараётган хасталиклар тиббиётда гельминтозлар деб аталади. Жаҳон Соғликни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, бу хавфли кўриниш касб этаётган касалликнинг тарқалиш даражаси бутун ер юзи аҳолисининг 23 фоизи ёки 1,4 миллиард кишини ташкил этар экан. Хўш, бу рақам озми ёки кўпми, шунингдек, гельминтоз ҳақида бизнинг юртдошларимиз қандай тушунчага эгалар, унинг келиб-чиқиш сабаблари ва ундан қутулиш учун қандай йўл тутиш керак.

Кўпчиликни **“гижжалар қанча яшайди?”** деган жиддий савол ўйлантириши табиий. Бугунги кунда тиббиётчи мутахассислар хулосасига кўра, гижжаларнинг 300 га яқин тури борлиги аниқланган. Улардан 30 дан кўпроғи сизу биз билан доимий равишда “яшайверади”. Улар асосан узоқ муддат давомида одам тана аъзоларини таъқиб этаверади ва ҳатто бор-йўқлигини сезиб-сезмаймиз ҳам. Уларнинг яшаш даври турлича: энг кўп тарқалган тури — аскаридалар бир ярим, икки йилгача, лента-тасма шаклига айланганлари эса 20-25 йилгача организмда билинтирмай “яшайвериши” мумкинлиги тиббиётда тасдиқланган.

Улар ниҳоятда тез кўпайиш хусусияти билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Яъни етилган урғочи аскарида бир кеча-кундузда 200 000 дан ортиқроқ ва энг даҳшатлиси, бир йил орасида одам ичагида 90 миллионта уруғ қўя олиш имкониятига эга экан!

Статистик маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, турли хил юқумли ва бошқа турдаги касалликларнинг тарқалиш даражаси ҳар хил. Лекин айнан биз сўз юритаётган паразитар хасталикларни келтириб чиқарувчи омиллар эса янада юқори фоизни ташкил этаётгани ташвишли. Табиий савол ҳам туғилади: хўш, инсоният барча соҳаларда оламшумул ютуқларга эришаётган бир пайтда наҳотки “арзимаган чувалчанг”ларга қарши кураш йўлларини топиши шунчалик қийин бўлса?



**Бердикул ЭРГАШЕВ,**
**Каттақўрғон шаҳридаги “Эргаш ота” хусусий тиббиёт маркази раҳбари, профессор:**

— Йўқ, энг катта хатога йўл қўяётганимизнинг сабаби битта, яъни “э, шу ҳам гап бўптими, энди бир камим ичимни текширтириш қолувдими, ота-бувам шунча йил яшаб, гижжа нималигини билмаган-ку”, деб бепарволик билан қўл силташимиздир. Халқимизда “ранг кўр, ҳол сўр”, деган гап бекорга айтилмаган. Масалан, менинг ҳузуримга ҳар куни ўнлаб одамлар келади. Энг аввал юзига, ранги-рўйига, тили ва ниҳоят, дилига назар соламан. Обдон суҳбатлашаман, қандай дарди бор, аён бўлади-қолади. Аксарият кишилар бир мени эмас, аксинча, ҳар қандай шифокорни ҳам ўзича синаб кўргиси келиб, касаллигини яширади. “Соппа-соғман, бир кўриниб кетгани келувдим”, деб қўяди ва уч-тўрт кун ўтгач, ўзидаги ўзгаришларни сезиб, ва энг қизиғи, ичидан тушаётган алламбалоларни кўриб, "узр энди, дўхтир, аввалроқ мутахассислар айтишувди ўзимга, лекин уялгандим", дейишади. Кўряпсизми, саломатлигимизга боғлиқ бўлган ҳар қандай белги, ўзгаришга бепарво бўлишимизнинг охир-оқибати яхшилик билан тугамайди. Ўзбекчилик деймиз, ўтиб кетади, дўхтир айтаверади-да, деб қўл силтаймиз. Марказимизга келиб кетаётган кишилардан тушаётган тошлару қум-тузларнинг ҳисоби йўқ. Шулар билан бирга ўнлаб номдаги гижжаларга ҳам қирон келади.

“Текинхўрлар”нинг қандай шароитида кўпайиши, тарқалиш ва юқиш сабабларини таҳлил этган мутахассисларнинг аниқлашича, улар Геогельминтозлар("-ер гижжаси"), Биогельминтозлар ("ҳаёт гижжалари") ва ниҳоят, Контагиоз гельминт ("ўзаро мулоқот")ларга бўлинади. Геогельминтозларнинг тухум ва личинкалари ерда—тупроқда ривожланиб, бизнинг танамизда етилади ва кўпаяди. Биогельминтозлар ҳам ўз номи билан жонли организмларда ривожланади. Учинчиси эса бевосита касаллик қўзғатувчи микроблар орқали юқади.

(Давоми келгуси сонда)

**Ҳуринисо НИЁЗАЛИЕВА,**
**Моҳинур ҚОДИРОВА** тайёрлади.

ОГОҲЛИК

# ХАТО ҚИЛИБ, ГУНОҲГА БОТМАНГ!

**Аслида сабабсиз оқибат бўлмайди. Кичик хатолардан катта кўнгилсизликлар келиб чиқиши мумкин. Айни пайтда бу дунёни ташвишга солаётган даъвосиз дард ОИТСга чалинаётганлар ҳам билмай тикан босаётганлардан.**

ОИТС билан касалланган Шавкат (исми ўзгартирилган) билан суҳбатлашар эканман, унинг ҳамма нарсага бефарқлиги мени аввалига ажаблантирди. Кейин билсам...

— 12 ёшимда ота-онам вафот этгач, амакимнинг қарамоғида қолдим, — дея ҳикоясини бошлади у оғир хўрсиниб. — 7-синфга ўтганимда мактабни аллақачон битирган, ишсиз, кўча безориларига қўшилдим, чекдим, ичдим... Бир куни амаким тутиб олди. Бу йўлдан қайтармоқчи бўлиб калтаклади. Эртасига уйдан қочдим...

Шавкат уйидан қочганида охири жаҳаннам эшиги билан тугайдиган кўчага кираётганини билмасди. Кўр-кўрни қоронғуда топади, деганларидек, унга ўзига ўхшаган «дўст» ҳам топила қолди. Аввалига бозорда киссавурлик қилишди. Бу ҳам етмагандай, хонадонларга ўғриликка туша бошлашди. Аммо уларнинг фаолияти узоққа чўзилмади, қўлга тушиб, қамалиб кетишди.

— Амаким уч йилдан сўнг қамоқдан чиқариб, уйлантирди. Юк ташувчи бўлиб ишга жойлашдим. Кейин... Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Қўлимга бир оз пул тушиб, яна эски ҳолатимга қайтдим. Энди ичиб, чекишдан олаётган завқ менга камлик қилаётганди. Гиёҳванд модда қабул қила бошладим. Аввалига юборилган доза вақт ўтиб оширилиб борилмаса, таъсир этмай қўяркан. Фалон пул турувчи бу оғу учун энди менинг юк ташиб топган пулим етмасди. Гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғуллана бошладим...

Шавкат узоқ вақт бундай йўл билан ўзи айтганидай «кайф» қила олмади, қўлга тушди. Бу сафар ҳам қамоқда узоқ вақт ўтириш насиб этмади. Муддатидан олдин чиқди, бироқ уйга эмас, касалхонага келди...

* * *

ОИТС юқишига сабаб бўладиган омиллар ва уларнинг оқибатлари ҳақида мақола тайёрлаш ниятида мутахассис ҳузурига бордим. Икки киши навбат кутиб турган экан. Бири рус миллатига мансуб, жуда озғин, ёш йигит, иккинчиси эса сира касалга ўхшамайдиган ўзбек аёли. Ажабландим, ростдан ҳам даволовчи шифокор қабулига шу аёл кириши-



га ишонгим келмасди. Ниҳоят:

—Анчадан буён даъволанаяпсизми?,— дедим, тилимга келган биринчи саволдан шошиб. Қовун туширдимми, деб тургандим, аёлдан садо чиқди:

— Биринчи келишингизми, дейман-а? — дея мени саволга тутди. Бош силкидим. Аёлдаги бояги қаҳрли нигоҳ, менга нисбатан раҳмдил, ачингансимон ҳолат бирданига ўзгарди. Сўнг:

— Душманимга ҳам раво кўрмайман бундай дардни, — дея гап бошлади. Ёмон аёллар, ахлоқсиз эркаклар туфайли бу касаллик кўпаймоқда. Ўзи нима иш қиласиз, синглим, мен сизга гапириб ётибман ҳалидан бери, — деб қолди тўсатдан.

Журналистлигимни билгач, ранг-рўйи ўзгарди, хавотир аралаш: — Мени отимни ёзманг-а, лекин бошқаларга сабоқ бўлсин, деган мақсадда гапиряпман, — деди-да ўз тақдири ҳақида қисқача сўзлаб берди.

— Турмуш ўртоғим тез-тез хориж сафарларида бўлар, оилага, болаларга эътиборсизроқ эди...

— Гиёҳванд моддалар қабул қилармиди? — секин сўрадим. Аёл ёшли кўзларини юмиб бошини эгди. Пастки лабини қаттиқ тишлаб, бошини чайқади.

— Йўқ.

Кўзларидан оқаётган ёш юзини ювди. Унинг айтишича, эри чет элдан шу касалликни орттириб келибди. Бунинг касри оиласини ҳам ҳалокатга бошлабди. Унга ҳам юқтирибди. Бу ҳақда батафсил билгим келиб, энди сўрашга оғиз жуфтлагандимки, эшик очилиб, ичкаридаги бемор чиқди-ю, унинг навбати келди. У шифокор қабулига кириб кетди...

Суҳбатдошимнинг аянчли ва ачинарли тақдир ҳақида ўйлардим. Аёлнинг айби нима? Яқинлари унинг бу бедаво дардга йўлиққанидан хабардормикан? Жавобсиз саволлар бошимда тинимсиз айланарди. Чиқса, яна гаплашаман, деб ўйладим. Ниҳоят эшик очилди. Ва у менга тескари ўгирилиб, танимаган одамдай ёнимдан ўтиб кетди. Ортидан бордим.

— Опа, сиздан яна бир нарсани сўрамоқчийдим...

— Мен шошаяпман, узр. Эрим ҳозир шифохонада ётибди. Аҳволи оғир. Ёнида бўлишим керак...

У лифтни ҳам кутмай, югуриб пастга тушиб кетди.

**Республика СПИД маркази эпидемиология бўлими раҳбари Носир ЖЎРАЕВ:** — Бундай касалликни ўзига юқтирганлар дардини ҳаммадан яширишади. Кўп ҳолларда улар ҳатто шифокорга ҳам дардини айтгиси келмайди. Шу боис айримларининг даҳшатли хасталикни қай ҳолатда орттирганини аниқлаш мушкул кечади. Дунё миқёсида кузатилганда ҳам, бизда ҳам бу касалликка чалинган беморларнинг асосий қисмини гиёҳвандлар ташкил этади.

Албатта, ОИТСни юқтирмаслик учун ҳар бир инсон, аввало гиёҳвандлик, ахлоқий бузуқлик сингари бизнинг миллий урф-одатларимизга бутунлай ёт бўлган иллатлар ҳақида чуқур тушунчага эга бўлиши шарт.

Касалликни даволагандан кўра олдини олган афзал, дейишади. Бунинг учун ҳар бир инсон ўз қалбини даволай олиши, ҳаромни ҳалолдан, гуноҳни савобдан ажратиши зарур, деб ўйлаймиз.

**Инобат ИМОНҚУЛОВА, журналист.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# БЕМОР БЎЛМАСДАН БУРУН...

Жамол ота келинининг бир ойдан буён йўталиб, борган сари ранги сарғайиб кетаётганидан хавотирда эди. Инқиллаб, дастурхонни йиғиштираётган келинига зимдан назар ташлар экан, хотинига юзланди:

— Санжарга айт, келинни дўхтирга олиб борсин. Шамоллаш дегани бир ой чўзилмайди-ку, ҳали ҳам йўтали қолгани йўқ. Қара, чўп бўп кетибди.

— Намунча бу чол яхши кўрмаса шу лапашангни, — тўнғиллади эрининг орқасидан ўйлади қайнонаси. Сўнг ҳолсизланиб, деворга суянган келинига ўшқирди.

— Бўлинг тез, сигирга сув беринг. Қулоғингиз том битганми? Бир соатдан бери бўкиради.

Шаҳноза пешонасида пайдо бўлган реза терни енги билан артиб, аранг челакни олиш учун энгашди-ю, қаттиқ йўталдан кўкрагини ушлаб ерга чўккалади...

— Ўқимишли йигит экансиз, нега келинни шу пайтгача азоблаб, шифокорга кўрсатмадингиз, — деди шифокор аёл Санжарга. — Хотинингиздан 3 маротаба балғам олиб, текшириб кўрамиз. Бу оддий шамоллашга ўхшамайди.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида Шаҳнозанинг ҳомиладорлиги ва сил билан касалланганлиги аниқланди. Уни эртаси куни кўргани келган Жамол ота, Холсара опа ва Санжар ҳам қувончли, ҳам совуқ хабарни эшитиб нима қилишни билмай қолишди.

— Мана силга қарши кураш диспансерига йўлланма, — шифокор аёл қоғозни Санжарга узата туриб, Холсара опага маъноли назар ташлади.

— Келинингиз анча ҳолдан тойибди. Анемия билан биргаликда иммунитети пасайиши натижасида оддий шамоллаш сил таёқчаларининг фаоллашувига сабаб бўлган.

— Нима, хотиним, аввал ҳам сил бўлганми? — хавотирланиб сўради Санжар.

— Сиз мени нотўғри тушундингиз. Аёлингиз сил билан касалланган қўшниларникига чиққан, тўйда касал одам билан ёнма-ён ўтирган ёки жамоат транспортида юқтирган бўлиши мумкин. Аммо сил таёқчалари одамнинг иммунитети пасайганда, касалланганда, яхши овқатланмаганда қўзғалади. Агар даволанишни тўғри олиб бориб, яхши овқатланса, вақтида дам олса, албатта соғайиб кетади. Бундан ташқари, зудлик билан оилангизнинг барча аъзолари текширувдан ўтиши керак.

**Биз кўпинча сурункали йўталиш, лоҳас бўлиш, ҳатто иситмани ҳам оддий шамоллаш аломати, уни оёқда ўтказиб юбориш ҳам мумкин деб ўйлаймиз. Аммо юқоридаги воқеа бефарқлигимиздан келиб чиққан жиддий нуқсон. Шу боис бу касаллик ҳақида Тошкент шаҳар силга қарши диспансери бош шифокор ўринбосари Лола Қаландарова шундай дейди:**

— Сил –даволанадиган касаллик. Бугунга келиб, Ўзбекистонда DOTS, яъни бевосита назорат остида даволаш курси дастури олиб борилиб, оилавий поликлиникалардан келган, силга чалинган беморлар яна бир карра текширувдан ўтгач, бепул равишда зарур дори-дармонлар билан таъминланадилар. Ушбу даволаниш курси бепул равишда диспансердан чиққач ҳам уй шароитида, маҳаллий оилавий шифокорлар назоратида давом этади. Юқоридаги воқеа қаҳрамонлари албатта, касаллик аломатлари: кўкрак қафасида оғриқ, 2-3 ҳафтадан ортиқ йўталиши босилмаса, иситмаси кўтарилса, иштаҳа сусайса, тунлари терласа, ҳолсизлик пайдо бўлганда дарҳол шифокорга мурожаат этганларида, беморнинг соғайиши тезлашар эди.

**Наргис ҚОСИМОВА.**

ҲАЁТ ҲИКМАТДИР

# ОТАНИНГ ИҚРОРИ

Салим бобонинг ўғиллари ноқобил чиқди.

Умр бўйи раҳбарлик лавозимларида ишлаб, эл аро ўзига яраша обрў-эътибор топган отани бу кўргуликлар жон-жонидан ўтиб кетарди.

Отасининг кучи билан олий ўқув юртларни амал-тақал қилиб битириб чиққан ўғиллар бир жойда на ёлчитиб ишлашди, на рўзғорларида тотувлик бор.

Ҳар нечук бировнинг боласи бўлса ҳам келинларим сабр-қаноатлик экан, дея тан оларди ота, ўзича.

Йиллар ўтиб, тақдирларига тан беришдими, ишқилиб «бош ёрилса дўппининг ичида» қабилида кун кечира бошлашди. Лекин кенжасининг суви сира «тинмаяпти».

Отанинг унга иш сўраб бош суқмаган ташкилоти кам қолди.

Ўзбекчилик, дея отасининг ҳурматини қилган раҳбарлар бугун уни кўрса, йўлларини бошқа ёққа буриб кетадиган бўлишди. Ўғил эса қаерда ишламасин, бир-икки бора маош олади ёки йўқ.

Яна тоғни урса талқон қиладиган эркак уйда чошгоҳгача уйқуни уради-ю, аёли шўрлик тирикчилик дардида ўзини қаёққа уришни билмайди.

«Ҳали кўзим очиқ, — баъзан ўйлаб қолади Салим ота. — Нафақамдан эплаб узатиб турибман. Эртага ўтиб кетсам, бу бечора набирагиналарим билан қандай кун кечирар экан?»

Бу ҳам етмаганидек, эрка ўғилнинг аччиғи доим бурнининг учида. Бўлди-бўлмади қўлига тушган нарсани хотинига улоқтиради.

Келини шўрлик болаларини етаклаб, неча бора аразлаб кетади-ю, яна мункиллаб қолган қайнонаси йиғлаб боргач, ноилож ортидан эргашади.

Ўша куни нафақасини олгани туман марказига борган отахон нимаям бўлиб китоб дўкони томон бурилди. Қизиқ, казо-казолар билан ўтириб-турган, қай юртлардаги дабдабали савдо масканларини неча бора оралаган Салим отани шу кўримсизгина дўконнинг салобати босаётгандек эди. Тўғри, ҳаётдан узилиб қолмаслик мақсадида ҳар куни газета варақларди, лекин китоб ўқимасди. Охирги маротаба қачон бирон нарса ўқиганини ҳеч ҳам хотирлай олмади. Ўзини ўзгача бир оламга кириб қолгандек сезаётган отанинг кўзи А.Авлонийнинг «Танланган асарлар» тўпламига тушди. Уни қалтироқ бармоқлари билан варақлар экан. Бир қўли билан кўзойнағини олиб тақди-да, шивирлаб ўқий бошлади: **«Ал ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур».**

Ота бу ҳикматли иборани кўп эшитган, лекин мағзини чақмаганини гўёки энди ёши бир жойга боргандагина англаётгандек эди.

У бир йўла бир неча китоб харид қилиб, уйига қайтаркан, ич-ичидан эзилди. Ортда ўтиб кетган умр, тан олинмаган, илғанмаган ҳақиқатлар, бой берилган имконлар уни сўроққа тутарди, гўё.

— Ҳаммасига ўзим айбдорман. Раҳбарман, дея кўкракни кериб юраверибмиз. Ўғилларим кам бўлмасин, деб қўш-қўш иморатлар қурдирдим. Бугун уларнинг ҳеч бири, ҳатто бу биноларнинг нураб тушган жойини сувоб қўйишни ҳам билишмайди. Ҳаммасини машиналик қилдим. Бири сотиб ичди, бири қарзларига тўлади, яна бири автоҳалокатга учраб, зўрға жони омон қолди. Бообрў хонадонлардан келинлар қилдим. Минг афсус, ойдай қизларнинг ранг-рўйи менинг эшигимга келиб сарғайди.

У шу хаёллар билан қўлидаги «Юз бир ҳадис»-ни варақлашга тутинди: **«Ота ўз ўғлига кўркам одобдан ортиқ ҳадя бера олмас».** Шу ерга келганда аччиқ нимадир бир нарса отанинг бўғзига тиқилгандек бўлди. Бу виждон азоби — кечириб, тузатиб бўлмас хатолар бутун борлиғини кемираётган адоғсиз дард эди...

**Ойбуви ОЧИЛОВА**

# ИККИ ДУНЁ ОРАЛИҒИДА



Шодмон ОТАБЕК

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

— Ким пиширарди, хўжайин-да! — деди Руқия. — Ўзим ўргатганман. Ҳафсала бўлса, ҳамма нарсани ўрганиш мумкин. Баъзи бировлар эркак киши қозонга яқин йўламаслиги керак, дейди. Бекор гап. Ҳозир эркак-аёл қоптими? Шаҳарда айримларини кўриб, эркакми, аёлми, ажратиб бўлмайди. Эркаклар хотинчалиш, хотинлар эркаксифат бўпкетяпти, тавба. Олинг-олинг, тортинманг.

Салима оғзининг бир четидан шапшап чиқиб кетадиган бунақа алмойи-жалмойи гапларни ҳар гал ҳайрат ва таажжуб билан эшитади, Руқияни тушунишга уринади, аммо барибир унинг ҳаёт тарзини ҳали-ҳануз тасаввур қилолмайди.

— Овқат қилишни билса яхши экан, йўғингизда иссиқ-совуқдан қийналмай ўтиришади, — деди Салима. — Кир-чирни ким ювиб беради?

— Ким бўларди — ўзи-да! Болаларгаям ўзи қарайди. Қайнонам раҳматлик бўлгандан буён йўқлигимни билдирмай, бемалол рўзғорни бошқариб ўтираверади. Бўлмаса бу ерда еган-ичганим татирмиди?

— Эрдан ёлчиган экансиз. Севишиб турмуш қурган бўлсангиз керак? — Салима ўзи анчадан буён кутиб юрган ўша гапнинг мавриди ниҳоят, энди келди, деб ўйлади.

— О-о, севишганда қандоқ! — деди Руқия завқ билан хитоб қилиб. — У ҳарбийдан келгунча икки йил, ўқишини битиргунча беш йил, жами етти йил кутибман-а. Ёзишган ишқий хатларимизни тўпласам, бир жомадонга сиғмайди.

— Кейин-чи, кейин нима бўлди? — Салима эртакнинг энг қизиқ жойини олдиндан билиб олмоқчи бўлган боладек бетоқатланди.

— Э, нима бўларди, мана, кўриб турганингиздек... яшаяпмиз. Сезиб турибман нимани сўрамоқчи бўлганингизни. Ҳойнаҳой, муҳаббат нима бўлди демоқчисиз-да. Ҳақиқий муҳаббат фақат китобларда бўлади дейишса, ишонмасдим. Рост экан. Йўқ, муҳаббат бор, бундан кейин ҳам бўлади, фақат у вақтинчалик нарса, худди буюмдек эскириб-титилиб, ахийри адоийи тамом бўларкан. Эҳтиёт қилинса, асраб-авайланса узоқроқ чидаши мумкин. Мен ўша... севишган кунларимизни эслагим келмайди.

— Нега?

— Чунки тарозига қўйилса, бу томони оғирлик қилади. Ўзимча эзиламан, умр бўйи нотўғри яшагандек кўнглим ғаш тортади. Аммо бўлар иш бўлган, энди ўзимни бошқаролмасам керак. Мен оқим ихтиёрида қалқиб, дуч келган катта-кичик тўлқинга таслим бўлиб оқаётган олмага ўхшайман.

— Қизиқ, шунақаям бўларканми? — деди Салима таажжубланиб. — Ахир бир вақтлар чиндан ҳам бахтли бўлгансизларку? Қачондан буён...

— Қачон, нимадан бошланди — аниқ эсимда йўқ. Менимча, ўша аёлга илакишгандан кейин орамизга совуқлик тушди. Фақат совуқлик эмас, ўртамизда ўтиб бўлмас бир ўпқон-жарлик пайдо бўлди.

— Ахир бирданига қандай... хиёнат қилиш мумкин? — Салима барибир бу сирли фожиа-можарони ожиз тасаввурига сиғдиролмади. — Балки сиз хасадгўй одамларнинг ғийбатига учгандирсиз?

— Менинг ҳам аввал ишонгим келмовди. Шубҳа-гумонларимнинг ёлғон бўлиб чиқишини жудаям истаганман. Аммо Афанди айтганидек, «Терисини ўзи олиб чиқиб шарманда қилгандан кейингина[1] ишондим. Эрим кўчма қурилиш идорасига ишлар, гоҳо хизмат сафарларига бориб турарди. Ўшанда негадир сафари кўпайиб қолди. Шундаям хаёлимга ҳеч қандай ёмон фикр келмади. Илгари соғиниб, ташна бўлиб қайтадиган одам бора-бора худди қўшдан чиққан ҳўкиздек сулайиб, қулоғидан ой кўринадиган алпозда келар, кечаси, табиий, тескари ўгирилиб ётар эди. Аммо негадир кийимбоши ҳамиша ювиб-тозаланган, дазмолланган бўларди. Бир куни ўзим кийдириб юборган кўйлакни ташлаб, ўрнига бошқасини илиб кепти. «Қани ўзингизники?» десам олдинига каловланди, кейин тутуриқсиз баҳоналар қилди. Биттаям гапига ишонмадим. Кейинги гал яна сафарга жўнаганда секин орқасидан пойладим. Ўшанда биз янги ўзлаштирилган чўлда яшардик. Бу томонларда ҳазиллашиб, кўзини қисса чинакамига эргашиб кетадиган аёллар оёқ остида ўралашиб юради. Хуллас калом, яшшамагур, шунақалардан биттасини топибди. Ўз кўзим билан кўрдим: башараси худди алвастига ўхшайди. «Э номард, юрсанг тузукроғи қуриб кетганмиди, бу нарса ҳозир қаҳат эмас-ку! Келиб-келиб шу мегажинни мендан афзал кўрдингми? Суф сенга, туф сенга!» дедиму орқамга қайтдим. Аммо лўлилик қилмадим, дардим ичимда. Ўзиям ёмон алам қилди-да. Уч кундан кейин уйга қайтди. «Бор, кучала еган жойингга бориб тириш» деб, остонадан қўймовдим, юзсиз куч билан уйга кириб олди. Анча вақт гаплашмай юрдик. Олдига овқат ҳам қўймайман, уст-бошигаям қарамайман. Ейиш-ичиш ҳам, ётиш-туриш ҳам бошқа-бошқа. Башарасини кўрсам, кўнглим айнийди. Шу қадар кўнглим қолган! Болалар икковиям ҳали ёш, уларда нима гуноҳ? Ёмон бўлсам барибир ота керак. Шу томонларини ўйлаб, шайтонга ҳай бераман. Бурнига сув кирса, зора қуюлиб, инсофга келиб қолар, деб умид қиламан. Аммо ер ютгурнинг нияти бошқа экан. Бир куни томдан тараша тушгандек шундай деса бўладими:

— Мен ундан бутунлай воз кечолмайман. Аммо сенларниям ташламайман. Касофати уради деб қўрқма. Домлага никоҳ ўқиттирамиз. Фақат сенинг розилигинг керак. Топганим сизларники. У пулга муҳтож эмас. Фақат ҳафтанинг уч кунини унга берсанг кифоя, қолган кунлар уйда бўламан.

Аламимни ичимга ютиб, индамай туравердим. У яна гапира бошлади:

— Майли, уч кун кўплик қилса, икки кунини бера қол. Хўпми? Келишдикми?

У мени ўтмас пичоқ билан бўғизлаётганини ё сезмас ёки сезса ҳам парво қилмас, ҳамон зўр бериб, юзсизларча савдолашар эди. Мен сабр-тоқат билан қани охири нима бўларкин, дея тишимни тишимга қўйиб тураверрдим. Ахийри:— «Ҳай майли, бизга бир кун ҳам етади!»— дея ўзича тантилик қилса бўладими? Яна «биз» деганига ўлайми? Башарасига қараб туриб: «Йўқ! Чувварани хом санаманг!»,—дедим. Бор ғазаб-нафратимни шу сўзга қўшиб айтдим.

— Сенга яна нима керак? Наҳотки бир кунни ҳам қизғонсанг? Айтдим-ку ундан воз кечолмайман!» — дея жазавага тушиб, бақира кетди.

— Сен воз кечмасанг, мана мен воз кечаман дедим. Садақа қилган кунларингдан воз кечаман. Мени ким деб ўйловдинг, номард?! Бор, ўша қанжиғинг билан қўшмозор бўл! Қайта бу эшикка қадам боса кўрма!» — дедим. Мендан бунақа гапни кутмаган бўлса керак, юзлари гезариб, ўзиям нақ бақа бўпқолди. Урмоқчи бўлиб, хезланувди:

— Агар қўлингни теккизсанг дод солиб, қўшниларни чақираман, мелисага айтиб, қамоқда чиритвораман!—дедим. Худди ели чиққан пуфакдек шалпайиб қолди. Сўкина-сўкина, жаврай-жаврай, бошқа хонага чиқиб кетди. «Ўлиб кет, сенга буям ҳали кам» дедим ичимда. Яхшиям болалар ухлаб қолганди, бунақа қирпичоқни томоша қилишса нима бўларди?

«Қайси гуноҳларим учун менга бу кўргуликни раво кўрдинг, эй худо?!» дея, тонг отгунча ўз ёғимга ўзим қоврилиб, унсиз йиғлаб чиқдим.

Кунлар ўтаверди. Эрим уйга худди бегонадек келиб-кетиб юрди. Хоҳласа «сафар»га — ўша ўйнашиникига боради, ҳафталаб қорасини кўрсатмайди. Болаларга сездирмаслик учун ёлғон гапираман, «дадангнинг иши кўпайиб кетди», дейман. Аммо уйдаги аҳволни болалардан яшириб бўлмас экан. Ўртадаги совуқчиликдан боёқишлар ҳайрон. Каттаси сал-пал эси кириб, ўзича хомуш бўлиб, мунғайиб қолади. Илгари бир жойда ўтиролмайдиган шўх-олов болакайлар энди катталардек оғир-вазмин, туриш-турмушимда ҳаловат йўқ, юрсам-турсам ўйланаман. Ахийри ўзим ҳам сиқиладиган, сал нарсага тутоқиб, жиззакилик қиладиган бўлиб қолдим. Фақат боғчада иш билан андармон бўлиб овунаман, диққинафасликдан чалғийман. Ишхонада Баҳри деган эрдан чиққан жувон бор. Ҳеч кимга айтмайдиган сирини менга айтар, ўйнашлари қилган қимматбаҳо совғаларни кўрсатиб, мақтанар, бир неча бор мениям йўлдан уришга уриниб кўрган эди. Бошимга тушган шўр-ғавғодан хабар топгач, яна аврай бошлади. Одам дунёга бир марта келади. Эртагаёқ шафтолиқоқи бўлиб қолганингда сенга ит ҳам қарамайди. Хўш, шунча садоқат кўрсатиб, топган оқибатинг нима бўлди?! Ўйлаб кўр, хўп десанг бугуноқ машинасида бирга оборибб, ўртоғи билан таништириб қўяман. Ўзи базада ишлайди. Сен ҳам бир яшаб қолсанг-чи, тентак!

[1] Ҳадеб уйига кираверииб безор қилган қўшнисининг эчкисини Афанди бир куни сўйворипти. Қўшниси гумони Афандидан бўлса-да, очиқ айблай олмапти. Фақат одамларнинг олдида эчкисини мақтармиш: эчким эшакдек эди, сигирдек эди. Бир куни эчким отдек эди деган экан, Афанди чидай олмай, «Ёлғон гапирманг, ҳозир терисини олиб чиқиб шарманда қиламан» депти.

*(Давоми бор)*




## МИККИ МАУС 80 ЁШДА

Тасаввур қилинг-а, болажонларнинг севимли мультфильми қаҳрамони – сичқонча Микки Маус 80 ёшга тўлибди. Яқинда Калифорния “Диснейленд”да шу сана кенг нишонланди.

Микки Мауснинг кинематографик карьераси 1928 йил 18 ноябрда Нью-Йорк шаҳрида экранларга чиққан “Вилли кемаси” номли мультипликацион тасмаларидан бошланган эди.

Дарвоқе, Дисней томонидан яратилган “Вилли кемаси” кинематография тарихидаги биринчи овозли мультфильм эди ва ушбу картинада қувноқ сичқончага Дисней жанобларининг шахсан ўзлари овоз берган. Бугунга келиб бу машҳур сичқонча тимсолини болалар кийимлари, пойабзаллар, сумкалар, қаҳва идишлари, турфа жиҳозлар ва ҳоказо жуда кўп жойларда кузатамиз. Истироҳат боғларида унинг тимсолидаги либосларни кийиб олган ходимлар болажонларни биргаликда суратга тушишга чорлаётганига ўзингиз ҳам кўп бора гувоҳ бўлгансиз.



## ЭНГ ФОЙДАЛИ ШОКОЛАД

Шоколад деган сўзни эшитгани ҳамоно болажонларнинг севинчи ичларига сиғмай кетади. Бу роҳатбахш қандолат маҳсулотини катталар ҳам севиб истеъмол қилишади. Аммо, уларнинг ичида энг фойдалиси таркибига бошқа ҳеч нарса қўшилмаган, яъни аччиқ ва қора рангдагиси экан.

Шифокорларнинг таъкидлашларича, аччиқ шоколадда табиий какао шакардан кўра кўпроқ. Ҳар доим шоколад ейиш меъёри бўйича баҳслар бўлиб ўтган ва ҳали-ҳануз бунинг аниқ бир миқдори белгиланмаган. Лекин ҳар куни бир-икки дона шоколад еб туриш фойдадан холи эмас.



Шоколаднинг зарарли томони ҳам бор. Яъни у ўта калориялидир. Шунинг учун шоколадни 6 ёшдан кичик болаларга ейишга бериш мумкин эмас. Яна шуни ҳам айтиш кераккки, ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳам шоколад истеъмол қилишмаса, ўзларининг соғликлари учун қайғурган бўлишарди.

**Наргиза САРИМОВА тайёрлади.**

Ҳа, севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг худди шундай номдаги ажойиб асари бор. Аммо қуйидаги мулоҳазаларимиз бу ҳақда эмас. Хорижий телеканалларнинг бирида суд, ҳуқуқ тартиботи билан боғлиқ бир кўрсатув берилди. Унда ҳар куни бир нечта кичик фуқаролик ишлари кўрилади. Судда судья, жабрланувчи, жавобгар ва 15-20 га яқин одамлар иштирок этишади. Биринчи воқеа: кўпдан бери ён қўшни-жон қўшни бўлиб яшаётган кампирларнинг бири иккинчисининг хўрозини ўғирлаган ва оқибатда қўшниси хўрозни таниб қолмаслиги учун бўяб қўйганига оид, иккинчиси эса 20 ёшдаги йигит 38 ёшли африкалик аёлни уч боласи билан севиб қолгач, онаси уйга қўймагани учун уйининг бир хонасини талашиб судлашгани билан боғлиқ. Тўғри, бу «ишлар»нинг барчаси ҳуқуқий муаммо бўлиб ҳисобланса-да, лекин инсоний муносабатлар обдон таҳлил қилиб кўрилса, жилови бўш қўйилган кўнгил истакларидан бошқа нарса эмаслигини тушуниб етасиз.

# ОДАМЛАР НИМА ДЕРКИН?

## БОР ГАП



Очиқдан-очиқ томонлар ўртасида бўлаётган бундай «ҳангома»ларни кўриб, баъзида ҳайратлансангиз, баъзида кулгингиз қистайди.

Судма-суд юришга арзимайдиган, ҳатто бировга-да айтишга истиҳола қиладиган бу хилдаги воқеаларни одамлар олдида шов-шув қилиш шартмикан, деган савол ўртага ташланса, айримлар албатта шарт деб ҳисоблашар. Лекин қўшни қўшнини, ота ўғлини, ўғил онани, дугоналар бир-бирини судга бериб юрса... Бундай ҳолатлар балки бизда ҳам рўй бериб турар. Муҳими, уларнинг судлашиши эмас, аксинча, судгача бўлган жараёнлар ғалати. Одатда бундай воқеалар содир бўлса, биз ҳеч иккиланмай, шундайларни меҳрсизликда, оқибатсизликда, андишасизлигу безбетликда айблаймиз. Хўш, бундай оқибатсизликларнинг бош сабаби нима? Бетгачопарлик, бир-биридан тап тортмаслик, хиёнат ва менимча, атрофдаги одамлардан уялмаслик эмасми? Газеталарнинг бирида хонанда аёлнинг: «Мен эрсизлигимдан уялмайман, эримдан ажрашганим мен учун фожеа эмас», деган очиқ иқрорини ўқиб, уялмаганининг ўзи фожеа эканлигига амин бўласан киши.

Ўз-ўзига ва атрофдагиларга ҳисоб бермайдиган, яна бошқалар нима деркин, деган андишага бормайдиган одам энг қабиҳ ишларни ҳам қилишдан қайтмайди. Бундайлар қачонки атрофдагиларни унутиб қўйсагина, шундай гуноҳларга қўл уришади. Агар бизнинг халқимизда: «Одамлар нима деркин», деган **андиша, истиҳола** бўлмаганида хиёнат, ўғрилик, иккиюзламачилик, товламачилик каби иллатларнинг илдизи чуқурлашиб кетган бўларди.

Ўйлаб кўринг: ота уйидан «ёр-ёр»лар айтилиб, оқ йўл тиланган қизнинг оиласидан ажраб, қайтиб келиши уят, шармандалик ҳисобланади. Ёки эри хиёнат қилиб, бошқасига уйланиб олса, у аёл аввалambор фарзандларини ўйлаб, барча азобларга чидаб яшайди. Қолаверса, элу улусдан уялади. Бошқа мамлакатларда-чи? Фарзандлар вояга етгач, тўйгача кўнглига ёққан одам билан никоҳсиз яшайверади, никоҳсиз фарзандни дунёга келтираверади ва ёқмаган одами билан осонгина ажрашиб ҳам кетаверади. Бундай ҳол уларда табиий жараён, деб ҳисобланади. Яъни улар ўзлари хоҳлагандай турмуш тарзи билан яшайдилар. Атрофдаги одамлар билан ҳисоблашиб ўтирмайдилар. Аммо кўнгилга қўйиб берсангиз, эҳ-е, нималарни истамайди. Аввалambор, ҳар бир инсонда виждон уйғоқ бўлсин. Аммо ўша виждонни туртиб, уйғотиб турувчи яна бир куч бу — **атрофимиздаги одамлар!**

Яқинда маҳалла оқсоқоли бир оилали эркак билан учрашиб турадиган аёлни тартибга чақирмоқчи бўлди. Шунда ҳалиги аёл:

— Менинг одамлар билан ҳам, унинг хотини билан ҳам ишим йўқ. Мен ҳам бошқалардай яшашга ҳаққим борми? Ким нима деса, деяверсин, эл оғзига элак тутиб бўлармиди?! — деб жавоб берди.

Шунда беш-олти йил аввал шу аёл билан содир бўлган воқеа эсимга тушди. Унинг 12–13 яшар қизи жудаям калта юбкада, қорни очиқ майкада юрганини кўрган, ҳовлида ўтирган онахонлардан бири унга:

— Уялмайсанми, қизим, шундай юргани, эгнингга тузукроқ нарса кийиб чиқ, — деб койиб берганларида қизча йиғлаб кириб кетган ва онаси эшикни очганча ҳаммага эшиттириб:

— Шу кийимингда юравер, ҳали кичкинасан, ҳеч нарса қилмайди. Бу кампирлар вайсайверади. Пули куймагандан кейин гапираверади-да,— деганди.

Орадан йиллар ўтди. Энди эшитсам, ўша эркатой қиз тунги клубларнинг бирида раққоса эмиш. Маҳаллада ундан очиқ кийинадиган қиз топилмаса керак. Аёлнинг катта ўғли ўғрилик қилиб қамалиб кетди. Кичиги гиёҳванд. Энг ачинарлиси, онанинг касри бир оилага урди. Уни тузатиш осон эмас. Шундаям ҳалиги аёл ҳеч қачон сиртига сув юқтирмайди. Пардоз-андозни жойига қўйган, одамлар орасида тили бир қарич.

Бор-да, кўп бўлмаса ҳам орамизда шундай андишасиз одамлар. Инсоннинг ҳайвондан фарқи фақатгина гапириши ёки ақл-заковатида эмас, балки атрофидаги одамлар билан муросаси, уларнинг ўй-хаёллари билан қизиқиши, янаям аниқроғи, ўзгаларнинг фикри билан ҳисоблашишида.

Тасаввур қилинг, дунёқарашимиздан: «Одамлар, элу юрт нима дейди», деган андиша йўқолиб қолса. Шунда... шунда сиз қўшнингизникида таъзия бўлса ҳам мусиқани жаранглатиб тўй қиласиз. Уйланмаган ўғлингиз жувонни яхши кўраман, шу билан яшайман, деб эргаштириб келади. Туппа-тузук юқори лавозимда ишлайдиган оила бошлиғи бўлмиш ота кунда-кунора маст-аласт уйга қайтади. Газетадаги «хорижликка хотин керак» деган эълонни ўқиб, қизингизнинг чет элликка турмушга чиққиси келиб қолади. Тепа қаватда яшайдиган эркак қўшни бева аёлнинг олдига очиқ-ошкора қатнайди. Отангиз қариганда уйланиш истагида ҳовлига ёш жувонни бошлаб келади...

Тўхтанг, ҳей тўхта-а-анг...

Кўнгил қурғур нималарни истамайди-я.

Одамлар... одамлар нима деркин?

**Барно СУЛТОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

***Барно СУЛТОНОВА Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида таваллуд топган. 1996 йилда ЎзМУнинг журналистика факультетини битирган. Унинг турли мавзуларда, хусусан ижтимоий ҳаёт, инсон маънавий дунёсини англаш билан боғлиқ қатор публицистик мақолалари газетхонлар эътиборини қозонган.***

***Иқтидорли журналист яқинда таҳририятимизда иш бошлади.***



## «ЭНГ ЗУККО ОИЛА»

## ФИКР БЕЛЛАШУВИГА МАРҲАМАТ!

### 1-САВОЛ

*Машҳур Пифагор ўз шогирдларидан бир нарсани қатъий талаб этган —* **етти йил оғзига тош солиб юришни.**

*Оила даврасида бир мулоҳаза қилиб кўринг-чи, буюк олимнинг бу талабидан асл мақсади нима эди?*

### 2-САВОЛ

*Файласуф Виктор Алимасов: «Қирқ кишининг умрини яшасанг ҳам, бир аёл қалбини тўла билолмайсан.* **Эркак қалбини билиш учун эса бор-йўғи бир сўз кифоя қилади»,** *— деган.*

Хўш, файласуф бу ўринда қайси сўзни назарда тутаяпти?

**Ғолиблар учун таҳририятнинг махсус совғаси бор.**


## ОАЖ «AGRO INVEST SUG‘URTA»

**қуйидаги суғурта турларини тақдим қилади:**

- *Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;*
- *гаровга қўйилган мол-мулкларни комплекс суғурта қилиш;*
- *транспорт воситаларини суғурта қилиш;*
- *ипотека кредитларини комплекс суғурта қилиш;*
- *йўлдаги мол-мулкларни (юкларни) суғурта қилиш;*
- *кредитларни суғурта қилиш;*
- *тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурта қилиш;*
- *лизингга олинган қишлоқ хўжалик техникаларини суғурта қилиш;*
- *қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг бўлғуси бошоқли дон экинларидан (буғдой, арпа, сули, жавдар) кам ҳосил олиш натижасида кўрадиган молиявий зарарларни суғурта қилиш;*
- *қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг пахта экинидан кам ҳосил олиш натижасида кўрадиган молиявий зарарларни суғурта қилиш.*

**ОАЖ «AGRO INVEST SUG’URTA» – бизнесда энг ишончли ҳамкор!**

**ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 273-74-86 (факс), 273-74-69, 273-74-59**


## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

**«КИНОТЕАТРЛАРГА 16 ЁШГА ТЎЛГАНЛАР КИРИТИЛАДИ, 30 ЁШЛИЛАР ЭСА...»**

2005-2006 ўқув йилида 104-сонли умумий ўрта мактабни тамомлаганлиги ҳақида Дутбаев Шуҳрат Ғайратовичга берилган **O‘RSH №0532299** рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси

Жиззах шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Малика КАМОЛОВА**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.


**Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20
Мухбирлар: 233-04-35, 234-25-46

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент – 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: «Олой» бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г – 232. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади – 12661
Навбатчи — **Барно СУЛТОНОВА**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**
Мусаҳҳиҳ — **Саидғани САЙДАЛИМОВ**

ISSN 2010-7609 | 1 3 4 5 6 7 8



E-mail: oilavajamiyat@mail.ru oilavajamiyat@rambler.ru